Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 19 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 44 (6741)

Даъват

Фазилатингни асра, чунки қуёш шундай буюк бўлса ҳам, озгина булут унинг юзини беркитиб, нур сочишдан маҳрум қилади.

ЧАРХИЙ

Ибрат

Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 36 та умумтаълим мактабининг 10 таси таъмирдан чиқарилди. Таъмирлашга юқори синф ўқувчилари, мураббийлар бош қўшишди. Маблағ эса мактаблар қошидаги ёрдамчи хўжаликлар ҳамда ҳомийлар томонидан қопланди.

ИЛМДАН АМАЛГА

Ҳаётнинг шундай онлари бўладики, киши уни умри давомида мамнунлик билан эслаб юради. Инсон умрининг ана шундай лаҳзаларидан бири — олтинга тенг талабалик йилларидир. Дарҳақиқат, бу фусункор йилларнинг қадрини фақат талаба бўлганларгина билишади.

Ватанимиз ўз мустақиллигини эълон қилган 1991 йилда олий ўқув юртларига кирган талабалар бугун, юртимиз истиқлолининг беш йиллик тўйини нишонлаш арафасида ўқишни тугатиб, диплом ишларини ҳимоя қилиб, қадрдон олийгоҳларини тарк этишяпти.

Куни кеча юртимизнинг отахон университети — Мирзо Улуғбек номли Тошкент давлат университетининг маданият саройида битирувчи талабаларга бағишланган хайрлашув оқшоми — «Бу кунларга етганлар бор» бадиий мусиқий кеча бўлиб ўтди. Университет тарихида биринчи марта ўтказилган бу тадбирни Ўзбекистон Республикаси ёшлари «Камолот» жамғармасининг университет камолот жамоатчилик кенгаши ва университет раҳбарияти уюштирди. Кечада республика «Камолот» ёшлар жамғармаси, шунингдек, хорижий компанияларнинг Ўзбекистондаги вакиллари иштирок этишди.

Битирувчи талабаларни табриклаш мақсадида биринчи бўлиб сўзга чиққан университет ректори вазифасини бажаруччи, академик Тўрабек Долимов жумладан, шундай деди: «Республикамиз иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришда бугунги талаба — эртанги мутахассиснинг ўрни беқиёсдир. Ўйлаймизки, сиз азиз ёшлар университет аудиториясида олган ўз билимингизни ҳаётда, амалиётда тўла тадбиқ эта оласиз».

Кечада ўқишни аъло баҳолар билан якунлаган битирувчи талабаларга имтиёзли дипломлар топширилди. Мазкур ўқув йилида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетида таълим-тарбия олаётган 3850 нафар талабадан 1056 нафари ўқишни тамомлаяпти. Эътиборли жиҳати шундаки, битирувчи талабаларнинг 111 нафари имтиёзли диплом олиш бахтига муяссар бўлишди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, олий ўқув юртларида ўқишни бошлаган талабалар бугун диплом олишди....

Имтиёзли диплом эгаларининг 56 нафари ижтимоий, 55 нафари табиий факультетлар ҳиссасига тўғри келади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, юздан ортиқ битирувчи талабалар ўз йўналишлари бўйича аспирантурага тавсия этилдилар.

Кекса ва қадрдон даргоҳ ўзининг яна бир гала лочинларини учирма қилди. Бу айрилиқ нақадар тотли, нақадар ҳижронли... Мустақил Ватанимизнинг илк олий маълумотли лочинлари чексиз фазога парвоз қилди. Парвозингиз баланд ва безавол бўлсин, лочинлар!

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ОҚ ЙЎЛ!

(Битирувчиларга бағишланади)

Бу дам ҳаётингда жуда улуғ кун,
Болалик ва шўхлик ортдадир бугун,
Ақлу заковатга тўлганинг учун —
Камолот ёрлиғин қўлга ол бу кун,
Етуксан сингилжон, етуксан ўғлон!

Сен ҳаётда дадил босганда қадам,
Қайтадан яшарди бу қўҳна олам,
Гўё нурга тўлди она замин ҳам.
Толеинг нур янглиғ порласин ҳар он,
Бахтли бўл, сингилжон, бахтли бўл, ўғлон!

Эгалла фан қасрин, ҳа, берсинлар тан,
Лол қолиб чин, япон, немис, италён,
Чунки сенга кўзин тиккан бу Ватан.
Эл-юрт иқболи деб, мудом ўртан, ён,
Элга боқ, сингилжон, юртни сев, ўғлон!

Алломалик сенга меросдир, мерос,
Ҳа, бу чин ҳақиқат, ҳа, минг карра рост.
Шу боис сен Сино, Улуғбекка хос —
Тафаккур қудратин этиб намоён
Зафар қуч, сингилжон, зафар қуч, ўғлон!

Гар аждодлар руҳин шод этиб бисёр,
Илму фанда ижод қилсанг бетакрор,
Ҳар жабҳада бўлсанг доимо илғор,
Истиқболи порлоқ, ҳур Ўзбекистон —
Юксалгай, сингилжон, юксалгай ўғлон.

Ҳар доим она юрт ишончин оқла,
Қайда бўлсанг номус ҳам оринг сақла,
Ёмондан ҳазар қил, яхшини ёқла,
Енгилмас қуролинг бўлсин ҳар қачон —
Адолат, сингилжон, ҳақиқат, ўғлон!

Норсубҳон ДЎСТЁРОВ.

СИЗНИ УНУТМАЙМИЗ, УСТОЗЛАР!

Яқинда А. Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейида битирувчи ўқувчиларнинг тантанали «Битирув кечаси» бўлиб ўтди.

Кечада Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов иштирок этиб, битирувчиларни чин кўнгилдан қутлади ва уларга она ватанимиз келажагининг ҳақиқий пойдевори бўлиб қолишларида юксак матонат тилади.

Маросим сўнгида ўқувчилар жонкуяр устозларининг юзини ерга қаратиб қўймасликка, Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга қасамёд қилдилар.

Шунингдек, кечада ўрта умумтаълим мактаблари бош бошқармаси бошлиғи Г. Олимова, янги турдаги ўқув муассасалари бўлими мудири З. Жалолиддинов, олимлардан Ш. Каримов, Ҳ. Йўлдошева, Ф. Набиев, Ж. Раҳимов, Н. Норқулов ва Раҳмон Қўчқорлар ҳозир бўлишди.

Мухбиримиз.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон ХДП МК XVI пленуми қарорига биноан Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафларидан чиқиши тўғрисидаги Баёнотини қондириш ҳақидаги қарори тасдиқланди, айни пайтда, унинг, ХДП Низомига кўра, партия Раиси ваколатларини ҳам тўхтатилиши эканлиги қайд этилди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 июнь куни Темурийлар тарихи музейининг барпо этилиши жараёни билан танишди. Ҳозир музейда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Унинг очилиш маросими Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрамига мўлжалланмоқда.

⊛ Америка Қўшма Штатларидаги Бостон коллежида «Ўзбекистон: мустақилликнинг беш йили» мавзусида илмий семинар бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси экологияси, нуфуси, сиёсат ва иқтисодиёти муаммолари кўриб чиқилди.

⊛ «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида «Тико» русумли автомобиллар тайёрловчи линия ишга тушди. Унда мамлакатимизнинг иккинчи енгил автомашинаси ишлаб чиқарила бошланди.

⊛ Россияда 16 июнда Президент сайловлари бўлиб ўтди. 17 июнь соат 18.00 гача бўлган маълумотларга кўра, унинг натижалари қуйидагича: Борис Ельцин — 34, 82, Геннадий Зюганов — 32, 13, Александр Лебедь — 14, 71, Григорий Явлинский — 7, 41, Владимир Жириновский — 5,84, Святослов Федоров — 0,93, Михаил Горбачёв — 0,51, Мартин Шаккум — 0,36, Юрий Власов — 0,20, Владимир Брынцалов — 0,16, ҳамма номзодлар учун 1,54 фоиз қарши овоз берилган. Иккинчи турда Б. Ельцин билан Г. Зюганов беллашадиган бўлди.

⊛ АҚШ конгресси палатаси вакиллари 1997 молия йилида ҳарбий харажатлар ҳақидаги қонун-лойиҳасини маъқуллади. Унинг ҳажми 245,5 млрд. долларни ташкил этади. Бу жорий йилга белгиланганидан 2,3 млрд. доллар кўпдир.

⊛ Америка матбуотида тарқалган Покистоннинг Хитойдан ўртача узоқликка учадиган М-11 баллистик ракеталар олганлиги ҳақидаги хабарни АҚШ давлат департаменти махсус вакили Николас Бернс рад этди.

⊛ БМТ халқаро жамоатчиликни КХДРга ёрдам беришга чақирмоқда. Кўпчилик мамлакатлар Шимолий Кореянинг ўз қобиғига ўралган сиёсати ва Пхеньян ва Сеул билан муносабатнинг кескинлиги боис бу мамлакатга ёрдам беришни хоҳлашмаяпти. Сеул ва Вашингтон эса 9 млн. доллар ажратишга рози бўлишди.

СИЗГА МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси ўрта умумтаълим мактабларида битирув имтиҳонлари якунланди. Республикамиз бўйича бу йил 9-синфни 456,4 минг нафар ўқувчи, 11-синфни 230,5 минг нафар йигит-қиз битирди.

Дил изҳори

МУСТАҚИЛ ҚАДАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Биз Яккасарой туманидаги 127-мактабда бўлиб, битирувчи синф ўғил-қизлари ҳаяжонли дақиқаларни бошидан кечиришаётганининг гувоҳи бўлдик.

— Мактабимизни 56 нафар ўғил-қиз битириб, ҳаётга йўлланма олишади, — деди мактаб директори Рафиқа опа Одилова. — Бугун улар инглиз, немис тили фанларидан охирги имтиҳонни топширишаяпти. Битирувчилар сўнгги бор меҳрибон муаллимлари синовидан ўтаётганликлари боисми ё қадрдон мактаби билан хайрлашув онлари тобора яқинлашаётганданми, улар қалбидаги ширин, шу билан бирга бир оз ҳадикли энтикишни ҳис қилиб турибмиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир ўғил-қиз ўзгача ҳаяжон, ажиб энтикиш билан мазкур имтиҳонни топшириши аниқ. Лекин натижалар қандай бўлар экан? Ҳарҳолда хорижий тил синови осон бўлмайди! Ўқувчи билими ёзма ва оғзаки саводхонлик, ғалаффуз ва тафаккур, грамматик, морфологик қоидаларга риоя этиш каби мезонларга асосланиб баҳоланади.

Битирувчилардан Улуғбек Фармонов, Наргиза Мусулмонқулова, Муътабар Холиқова, Абдулла Холматовлар бирин-кетин имтиҳон хонасидан чиқиб келишганида, бояги хаёлларимиз тонгги тумандек тез тарқаб кетди. Бу ўғил-қизларнинг барчаси имтиҳонни «Аъло» баҳога топширганди.

Биз битирувчиларнинг айримларини суҳбатга чорладик. Улар олий ўқув юртларига кириб ўқиш истаги борлигини, баъзилари эса касб-ҳунар эгаллаш мақсадида эканлигини очиқ-ойдин изҳор этишди. Шунингдек, ўғил-қизлар устоз, макон, қадр ва қиммат, қутлуғ йўл, нурли келажак тушунчалари ҳақида ҳам таҳлилий фикр юритдилар. Биз бу фикр-мулоҳазаларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Малоҳат УСМОНОВА:

— Биз мактабда 11 йил бирга ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб ўқидик. Шу узоқ, синовли давр ичида баъзан мактабнинг, муаллиларимизнинг қадрига ҳам етмадик. Биз дарслар тезроқ тугашини, кунлар тезроқ ўтишини, тезроқ улғайиб, катта бўлишимизни интизорлик билан кутдик. Мана, биз орзиқиб, энтикиб кутган ҳаяжонли дамлар етиб келди, орзуларимиз рўёбга чиқди. Лекин

(Давоми 2-бетда)

Теннис

ЧЕЛЛЕНЖЕР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Аёллар беллашсин экан-да! Қандайин мусобақа бўлмасин, улар аввало ўз эпчиллик ва маҳоратларини, гўзал қаддиқоматларини намоён этадилар. Уларбоп спорт турларини санасангиз қанча: теннис, бадиий гимнастика, қўл тўпи, сузиш, гоҳо шахмат-шашкада ҳам улар ўз ақл-идрокларини синаб кўришади.

Ўтган ҳафта, аниқроғи, 10-16 июнь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро Челленжер теннис мусобақаси аёл зотига хос ана шундай маҳоратнинг кўриги бўлди. Теннис корти атрофида жаҳоннинг машҳур спортчи аёлларидан ташқари, ўзбекистонлик Ирода Тўлаганова, Л. Биктякова, О. Яриковалар ҳам иштирок этишди.

Австриялик Патриция Вартушга ушбу мусобақада ҳеч ким бас келолмади. У 18 ёшда. Профессионал теннисчилар рўйхатида турнир олдидан 356 ўринни эгаллаб турганди. Челленжер турнирида эса 25 рейтинг очкосини ва бош мукофотни, қимматбаҳо совғани қўлга киритди.

Ҳамюртимиз 14 ёшли Ирода Тўлаганова бу мусобақада Ўзбекистоннинг шон-шарафи учун курашди. У Германиядаги теннис академиясининг талабаси, яъни келажакда машҳур теннисчи бўлишга даъвогар. У билан Юнусободдаги 260-ўрта мактаб жамоаси ҳар қанча фахрланса арзийди.

Иродага мазкур мусобақада республика хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва «Халқ сўзи» газетасининг совринлари тақдим этилди. Халқаро турнирда қатнашишнинг ўзи Ирода учун бир омад!

Мухбиримиз.

«Давлат тили ҳақида»ги қонун амалда

КЎЗ ЮМИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Тил билган эл билади, деган нақл бор доно халқимизда. Дарҳақиқат, тил — дилнинг калитидир. Мустақил республикамизда «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилинганига ҳам етти йил бўляпти. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент шаҳар Миробод тумани халқ таълими бўлими мудири Баҳринисо ЖЎРАҚУЛОВА билан мазкур Қонун халқ таълими тизимида қандай амалга оширилаётгани ҳақида суҳбатлашди.

— Баҳринисо Очиловна, туманингиздаги таълим-тарбия муассасаларида «Давлат тили ҳақида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида, жумладан, дарсда ва тўгарак машғулотларида олиб борилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Туман халқ таълими бўлими тасарруфида 17 та мактаб бўлиб, шундан 2 таси ўзбек тилида, 9 таси рус тилида, 6 таси эса аралаш таълим тизимида дарс берувчи илм масканларидир. Халқ таълими бўлимида «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни ҳаётга татбиқ қилиш учун 9 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Мазкур гуруҳнинг алоҳида тадбирлар ишланмаси мавжуд. Ҳозирги кунда мактабларимизда 74 нафар ўзбек тили ўқитувчиси фаолият кўрсатаётир.

Мактабларда ҳар йили октябрь ойида «Ўзбек тили ойлиги», «Ўзбек тили ҳафталиги» ўтказилади. Мазкур тадбирларга тумандаги 60, 93, 110, 158, 175-мактабларда, айниқса, ўзгача ҳозирлик кўришади.

«Энг яхши ўзбек тили хонаси» туман кўригида 158-мактаб биринчи, 175-мактаб иккинчи, 213-мактаб учинчи ўринни эгалладилар. Хоналар кўригида нафақат унинг жиҳозланишига, балки дидактик, тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар, техника воситалари, турли альбомлар билан бойитилганига ҳам эътибор берилаётир.

— Ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, ўқувчиларнинг ўзбек тилини ўрганишга бўлган ҳаваларини ортириш борасида қандай тадбирлар олиб борилаётир? Иш юритиш қоғозларининг юритилиши, йиғилишлар, ишлаб чиқариш мажлисларининг ўтказилиши қай тартибда?

(Давоми 2-бетда)

Августа кенгашларига

СИНФ РАҲБАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Мактабда ўқувчиларни баркамол, етук инсон қилиб тарбиялаш масъулияти, залвори асосан синф раҳбари зиммасидадир. Сабаби у шу синф учун жавобгар шахс ҳисобланади. Ҳар бир ўқувчининг ахлоқли, одобли, юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида синф раҳбарининг ҳам ўз ўрни бор.

Синф раҳбари тарбия билан шуғулланишни бошлар экан, ўқувчилар қалбига йўл топа билиши, уларнинг орзу-ҳаваларини, дардини, интилишини, қалбида нима борлигини кўра билиши, тушуна олиши жуда муҳимдир. Синфдаги ҳар бир гап-сўздан, хатти-ҳаракатдан хабардор бўлиш ҳам синф раҳбари зиммасидадир.

Ўқувчи ўз дардини, ички сирларини синф раҳбари билан ўртоқлашади, баҳам кўради. Ўқувчиси ишончига, ҳурматига сазовор бўлиш ўқитувчи учун бахт ҳисобланади. Бундай ишончга, бахтга эришиш осон иш эмас, албатта. Чинакам синф раҳбари ўқувчилар билан узлуксиз ишлайди. Бундай синф раҳбари ҳақиқий педагогдир. Эътибор берадиган бўлсак, мактабдаги энг оғир, масъулиятли вазифа синфга раҳбарлик десак ўринли бўлади. Баъзан олий маълумотли, дипломини қўлида олиб келган ёш педагог синф раҳбари сифатида иш фаолиятини бошлаганда бир қатор қийинчиликларга дуч келганини кўрамиз. Боиси, керагича маълумотга эга эмас. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бу соҳага муҳим эътиборни қаратсалар, айни муддао бўларди.

Кўп йиллик иш фаолиятим давомида синф раҳбарлигини ўз ихтиёрим билан сўраб олган ўқитувчини камдан-кам кўрганман. Бу сергалва ишга талабгорлар камдан-кам учрайди. Аксарият ўқитувчилар синф раҳбарлигини олмасликка ҳаракат қилишади. Синфда давомат ёмон, узлаштириш пасайиб кетгани, фалончи ўқувчининг одобсизлик қилгани, мактаб мулкини бузгани, синдиргани каби қулоққа ёқимсиз сўзлар-

(Давоми 2-бетда)

МММ — ХАБАРЛАРИ

ЭНГ ФОЙДАЛИ МУСОБАҚА

Баҳористон туманидаги 1-ўрта мактабда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб мусобақа ташкил этилди. Унда мактаб ўқитувчилари ўз синфхоналарини замонавийликка ва миллийликка уйғун бир тарзда безаш бўйича беллашдилар. Мактаб учун чандон фойдали бўлган бу мусобақада 10 нафар муаллим ғолиб деб топилиб, ҳар бирига 1000 сўмдан пул улашилди.

ЯНА ШУ ТУМАНДА

Яна бир мусобақа ниҳоясига етди — қизғин беллашувларга тўла бўлган «Ўқитувчи—96» кўрик-танлови якун топиб, 6-ўрта мактабнинг бошланғич синф муаллимаси Замира Авазова ғолиба деб тан олинди. Шоҳсупа соҳибаси туман халқ таълими бўлими томонидан вилоят танловига йўлланма ва 1000 сўм пул билан тақдирланди.

МАЙДОНДА МУАЛЛИМЛАР

Ажиб замонда яшаяпмиз — кўрик-танлову беллашувлар замони... Сиёб туманидаги 56-ўрта мактаб муаллимлари ҳам майдонга тушишди — мактаб бошланғич синф ўқитувчиларидан ташкил топган «Ниҳол» ва юқори синф ўқитувчиларининг «Турон» гуруҳлари ўзаро беллашдилар. Ушбу баҳс ҳам Амир Темур бобомизнинг таваллуд байрамларига бағишланди. Алал-оқибат, буюк жаҳонгирнинг руҳини эъзоз эта билган «Турон» ғалаба қозонди.

ШОШИЛМАГАН АРАВА

Қуёнга етибди, дейишади. Амударё тумани маорифчилари ҳам мактаблар таъмирида шошилмасликка, бильакс ишни пишиқ-пухта бажаришга аҳд қилишди. Оқибатда тумандаги 39, 19, 16 ва 11-мактаб бинолари бинойидек кўриниш касб этди. Шунингдек, бошқа билим масканларида ҳам бу ишга жиддий эътибор билан қараляпти.

Айтганча, бу мактаб жамоалари четдан ёрдам кутмай, таъмирни ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда олиб бораётганлиги ҳам эътиборга молик.

МУАЛЛИФЛАР: А. Қиличев, М. Аслиддинова, Ғ. Ёқубов.

МММ — ХАБАРЛАРИ

КЎЗ ЮМИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

(Боши 1-бетда).

— Илм масканларидаги ўзбек тили ўқитувчилари — Ф. Мирзаева (147-мактаб), З. Алимова (158-мактаб), Т. Хўжаева, Д. Анварова (175-мактаб) сингари изланувчан педагогларнинг илғор тажрибалари туман миқёсида кенг оммалаштирилган. 1996 йилда эса, 110-мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси З. Хўжаеванинг тажрибасини оммалаштириш режалаштирилган. Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқишлари тобора ортиб бораётир. Деярли барча мактабларда ўзбек тилини ўрганиш тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Уларга 560 нафар ўқувчи жалб этилган.

Мактабларда ўзбек тили фани синфлар иккига бўлинган ҳолда ўқитилади. Мавжуд 385 та ўзбек тили ўргатиладиган синфларнинг 64 таси ўқувчилар сонининг камлиги туфайли бўлинмайди. Туман тасарруфидаги мактаб ва боғчаларнинг лавҳа, мухр, ёзув машинкалари, аралаш мактабларнинг иш юритиш қоғозлари ўзбек тилида. Туман халқ таълими бўлими ходимларининг 80 фоизи ўзбек тилида эркин муомала қила олади. Йиғилишлар давлат тилида олиб борилиб, уларнинг баённомалари ва қарорлари ўзбек тилида расмийлаштирилиб борилмоқда.

— Мактабларда ўзбек тили мутахассиси бўлмаган ўқитувчилар ҳам мазкур фандан дарс бериши мумкинми? Ўзбек синфларида рус тилининг ўқитилишига қандай аҳамият берилаётир?

— Ҳа, тумандаги 294-мактабда Исломова, Содиқова сингари ўқитувчилар ҳақиқатан ҳам ўзбек тили мутахассиси эмас-лар. Лекин улар дарс ўтишга рухсат беришдан аввал тажрибали муаллимларга бириктирилиб, дарс ўтиш услублари ўргатилган. Қолаверса, мазкур ўқитувчилар туман мактабларидаги тажрибали ўзбек тили ўқитувчиларининг ҳам дарсларида бўлишиб, уларнинг услубларини ўргандилар. Улар туман халқ таълими бўлими ўзбек тили ўқитувчиларининг метод бирлашмаси томонидан доимо назоратдадирлар.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, айни вақтда биз ўзбек синфида рус тили фанининг ўқитилишига ҳам катта эътибор беряпмиз. Туман халқ таълими бўлими томонидан ўқувчиларнинг давлат тили бўйича билим савияларини аниқлаш мақсадида компьютерлардан фойдаланилган ҳолда тестлар ўтказилади. 1994-95 ўқув йилида 9 — 11-синфларда битириш имтиҳонлари, шунингдек, давлат тили имтиҳонлари ҳам компьютерда ўтказилди. Эксперимент натижалари чорак, йиллик имтиҳон баҳолари мос келганлигини кўрсатди, ҳатто кўпчилик ўқувчиларда кўрсаткичлар юқори бўлганлиги маълум бўлди. Жорий ўқув йилида 158, 175, 214-мактабларда ҳам эксперимент ўтказилади.

1995 йил март ойида Республика Таълим илмий-методика маркази билан «Тикланиш» шаҳар жамияти ҳамкорликда корейс миллатига мансуб болалар билан Давлат тилидан имтиҳон ўтказилди. Имтиҳонда 31, 53, 263-мактабларнинг ўқувчилари иштирок этдилар. Мазкур тадбирда 53-мактаб ўқувчиси Ким иккинчи ўринни эгаллади.

— Болалар боғчаларида давлат тилини ўрганиш қай йўсинда бормоқда? Ўзбек тили таълимидаги гуруҳлар сони қанчага ортди? Мактаблар билан болалар боғчалари орасидаги муносабат қандай?

— 1989 йилда ўзбек тили таълимида биргина 507-болалар боғчаси ҳамда аралаш турдаги 542-болалар боғчаси мавжуд бўлиб, улардаги 14 гуруҳдан 2 таси ўзбек тили таълимида эди. 1990 йилга келиб учта ўзбек тили ҳамда 13 та аралаш турдаги болалар боғчалари вужудга келди. Ҳозирги кунда 14 та аралаш турдаги болалар боғчаларида 39 та ўзбек тили таълимидаги гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари 74 та гуруҳда рус миллатига мансуб болаларни ўзбек тилига ўргатиш бўйича машғулотлар ўтказилаётир. Машғулотларни малака ошириш курсларида ўқиб, туман халқ таълими бўлими тасдиғидан ўтган тарбиячилар ҳафтасига икки марта олиб боришмоқда.

Мактаб ва болалар боғчаларида таниқли ёзувчи ва бастакорлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилади. Эстетик тарбия бўйича ҳар йили «Илҳом чашмалари» ўтказилади. Бу кўрик-танловда мактаблар ва болалар боғчалари иштирокида ўзбек бастакорларининг қўшиқ ва рақслари ижро этилади. Туманимизда ҳафтанинг бир куни «Ўзбек тили куни» деб белгиланиши анъанага айланиб қолган.

Ўзбек тили ўқитувчилари ҳокимият қарори ва туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан ишлаб чиқариш корхоналарида машғулотлар ҳам олиб бормоқдалар. «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамияти (158-мактаб), «Ўрта Осиё транс», туман халқ таълими бўлими марказий бухгалтерияси (147-мактаб), автомобиль таъмирлаш заводи (154-мактаб), «Ташхимсельмаш» заводи (94-мактаб) шулар жумласидандир. Эришилган муваффақиятларимиз билан бир қаторда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳамда таклифлар ҳам йўқ эмас. Бизда кадрлар етишмайди. Машғулотларда фойдаланиладиган қўлланмалар асосан тарбиячилар томонидан тайёрланса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Суҳбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА.

МУСТАҚИЛ ҚАДАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

(Боши 1-бетда).

бу кун кўнглимга нима учундир ҳеч нарса сигмайди, гўё қалбимдаги бир нарса чирт этиб узилгандай.... Атрофимда нималар бўляпти? Наҳотки, қадрдон масканни тарк этмоқлик маҳали етди. Кеча ва кундузлар мунча тез утади-я? Бирдан узимни жуда ёмон кўриб кетдим. Юқорида ўйлаган барча орзуларимни, хаёлларимни рад этгим келди. Қани энди вақт орқага қайтсаю, мен таълим олишни бошқатдан бошласам. Иложи борича қўпроқ билим олишга, муътабар муаллимларнинг сузларини кўпроқ тинглашга ҳаракат қилар эдим. Афсуски, ўтган вақтни ҳеч ким ортга қайтара олмайди.

Тезроқ мактабни битирай, деб юрган дугоналарим узларини тута олмай, пиқ-пиқ йиғлаётирлар. Ҳатто синфдошларим, қачонлардир мактабнинг энг безориси ҳисобланганлар ҳам партага бош қўйиб, шу куйи узоқ утиришди. Мен ҳам кўз ёшларимни пинҳон тутгим келмади. Кўп ўйладим ҳам. Барибир, мактабдан кетиш жуда оғир экан. Чунки мактаб болалик ҳисларимизни, туйғуларимизни уйғотди, кўнглимизга абадий илм, меҳр, маърифат чироғини ёқди. Кузимизни уша нур, уша офтобдан олгимиз келмади. На илож, олдинда бизни оғир синовли қутлуғ йўллар кутмоқда. Шу йулга қадам қўйишдан олдин устозларимга шундай дегим келади:

Йўлингиз оқ бўлсин,
деб айтинг,
Поклик ва нур тўлсин,
деб айтинг.
Устозлар дуоси ижобат
бўлгай —
Олгину олдирма, болам,
деб айтинг.

Дуо қилинг: ёмонлик, риё
Умримизга солмасин соя,
Дуо қилинг, лоқайд бўлма деб,
Улгаяйлик, гўё чўнг қоя!

Дониёр МИРЗАЕВ:

—Мана, 11-синфни ҳам тугатяпмиз. Бу воқеа мен учун ҳам қувончли, ҳам масъулиятли. Негаки, 11 йил давомида мактаб мен учун иккинчи уйим, ўқитувчиларим эса ўз ота-онамдай бўлиб қолишган. Улар адашган вақтимда тўғри йўл-йўриқлар кўрсатиб, маслаҳатлар беришган. Бундай инсонлардан узоқлашиб кетиш мен учун ниҳоятда қийин бўлаётир. Начора. Ҳаёт — йўл, қайрилиш кўп, учрашиш, айрилиш кўп, дейишади. Шу сатрларни ўйлаб, ўз-ўзимга таскин бераяпман.

Сирасини айтганда, синфдошларим ака-укаларимдек бўлиб қолган эди. Улар билан 11 йил давомида 1-синфдан бир оила фарзандларидай аҳил, иноқ бўлиб ўқидик, ургандик. Ўқишда бир-биримизга ёрдам бердик. Ҳаммамизнинг фикримиз-ишимиз ўхшаш эди. Энди эса ҳар биримиз гўё сочилган дондай ҳар тарафга ўз ўй-ташвишларимиз билан мустақил ҳаётга қадам қуямиз. Бу қўйган биринчи қадамимиз, илоҳим, қутлуғ бўлсин, барчамиз бу ҳаётда ўз урнимизга, ўз йўлимизга, ўз обрў-эътиборимизга эга бўлайлик. Бу ҳоҳиш ва истакларимизни амалга ошишига ўз ота-оналаримиз ва ўқитувчиларимиз оқ фотиҳаси зарур бўлади. Улардан сўраймиз: бизга оқ фотиҳа бериб, оқ йўл тиланг!

Бугун республикамизнинг бошқа мактаблари қатори бу ерда ҳам битирув кечаси — тантанали педагогик кенгаш утказилади. Унда туман ҳокимиятидан, халқ таълими, ички ишлар бўлимларидан ва бошқа қўплаб ташкилотлардан вакиллар, ота-оналар иштирок этишиб, истакларни изҳор қилишади.

Тантанали педагогик кенгашда етуклик шаҳодатномалари топширилади. Шу билан бирга устозлар ўқувчилик йилларини тарк этаётган шогирдларига оқ фотиҳа бериб, «Мактабимиз шаънини ҳимоя қилинг!», «Оқ йўл, битирувчилар!», «Билимингиз намоён этинг!» каби эзгутилакларини билдиришади. Шундай қилиб, битирувчилар эртага ҳаётга мустақил қадам қўйишади. Истак ва тилагимиз шу: қўяжак қадамларингиз қутлуғ булсин!..

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.

СИНФ РАҲБАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

(Боши 1-бетда).

ни эшитиш, ортиқча «югур-югур» кимга ҳам ёқарди. Хўш, нега шундай? Бунинг узига хос сабаблари бор. Биринчидан, иш оғир, ўта масъулиятли. Иккинчидан, ўқитувчи ўз касбини севмайди. Учинчидан, моддий манфаатдорлик етарли эмас.

Синф раҳбари тарбиявий ишларни амалга оширар экан, «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси»га таянади. Шунингдек, «Таълим тўғрисида», «Давлат тили ҳақида», Конституция мактаб ва маориф ҳақидаги қонунлар, қарорлар, Президентимиз И. А. Каримовнинг китоблари тарбиявий ишда синф раҳбари учун дастуриламал бўла олади.

Одатда синф раҳбаридан 6 та тарбиявий иш режаси тузиш талаб қилинади. Булар — йиллик, ярим йиллик, чораклик, ойлик, ҳафталик ва кунлик. Бу эса ўз навбатида ўқитувчи вақтини олади ҳамда ундаги маълумотлар бир-бирини такрорлайди. Шу боисдан биз синф раҳбарининг тарбиявий иш режасини олтита режадан иккитага, яъни йиллик ва ойлик режаларга келтирдик. Натижа ёмон эмас. Бу, аввало, синф раҳбари вақтини тежайди ҳамда уни ортиқча кўчир-кўчирлардан озод қилади. Йиллик тарбиявий иш режаси анча ихчамлаштирилган бўлиб, унда умумий, мавҳум гаплар, амаллар йўқ. Фақаттина аниқ тарбиявий машғулотлар, чора-тадбирлар режалаштирилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, синф раҳбари учун тайёр андоза йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Сабаби, бу иш ижодий ҳисобланади. Синф раҳбари ўқувчиларни узлари қизиққан тўгаракларга жалб қилади. Уларнинг қобилиятига яраша доимий ва вақтинчалик топшириқлар беради, ота-онаси ва ўзи билан суҳбатлар олиб боради.

Хуллас, синф раҳбари ўзи бошқараётган синфнинг кўз-қулоғи, қолаверса, маънавий ота-онасидир. Шундай экан, ҳар бир синф раҳбари ўз ишига виждонан ёндашса, таълим-тарбияда кўзланган мақсадга етиши мумкин.

Шамидулла ОТАҚУЛОВ, Пайариқ туманидаги 1-ўрта мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, халқ таълими аълочиси.

Санъатсиз яшаб бўлмайди. У ҳаммага керак. Санъат эса, аслида болаликдан қалбларга сингдириб борилгани яхши...

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 28-ўрта мактабда 60 нафар ўқувчидан иборат хор жамоаси тузилди. Шу йилги шаҳар миқёсида ўтказилган «Илҳом чашмалари» кўрик-танловида моҳир санъаткор ўқитувчилар И. Рўзиев ва Ҳ. Рўзиметовалар етакчилик қилаётган мазкур жамоа биринчи ўринни эгаллади.

Суратда: хор иштирокчилари машғулот пайтида.

Х. Мирзакаримов олган сурат.

ХАЛҚАРО КАЛЕНДАРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Маннон Уйғур номли Тошкент давлат Санъат институтида Узбекистон Қизил Ярим Ой жамияти марказий қумитасининг ташаббуси билан республика Маданият ишлари, Соғлиқни сақлаш, Олий ва урта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ва Рассомлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган VI анъанавий Плакатлар танловида Тошкент, Жиззах, Андижон, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги олий ва урта махсус санъат билим юртлари талабалари ҳамда муйқалам тебратишга лаёқатли ҳаваскор-ижодкорларнинг ижод намуналари намойиш қилинмоқда.

Халқаро Қизил Хоч қумитасининг Марказий Осиедаги ваколатхонаси раҳбари Доменик Буффнинг таъкидлашича, танловдан саралаб олинган 12 та плакат асосида жаҳон миқёсидаги календар тайёрланиб, дунёнинг турли бурчакларида сотувга қуйилади. Танлов қатнашчилари Узбекистон Қизил Ярим Ой жамияти марказий қумитаси биринчи, иккинчи, учинчи ўринлар учун яна ўнта рағбатлантирувчи пул мукофотлари ажратди.

«ТЕМИР ЙЎЛ»НИНГ ЯНА БИР БОҒЧАСИ

Когон шаҳрида фойдаланишга топширилган болалар боғчаси темирйўлчиларнинг 140 нафар фарзандини бағрига олди. «Темурбек» номи берилган боғчада барча қулайликлар бўлиши учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компанияси Бухоро бўлими жамоаси раҳнамолик қилмоқда.

Истиқлол одимлари

КИБР ЭМАС, ҒУРУР АФЗАЛ

Ўсиб улғайиб келаётган ёш фарзандларимизни биз яшаб нафас олаётган Туркистон деб аталмиш табиати гўзал, бойлиги беҳисоб, жаннатмакон заминда жаҳонга машҳур олиму донишмандларимиз, саркардаю давлат арбобларимиз мерос қилиб қолдирган бой маънавиятдан баҳраманд қилиб тарбиялаш ҳар бир педагогнинг муқаддас бурчи ва вазифасидир. Ўқувчиларни ўзлигини англаш, ўзимиз яшаётган Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш ғоятда муҳимдир. Бунинг учун бой тарих ва маданий меросимизни, миллий қадриятларимизни, жаҳонга ибрат бўладиган анъаналаримизни яхши билиш керак. Тарихни, маънавий қадриятларни яхши билмай туриб, миллий ғурур ва ифтихорни шакллантириш имконияти бўлмайди. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Айниқса ҳозирги шароитда ўқитиш жараёнида миллий маънавиятга, миллий руҳ, урф-одат ва шунингдек, умумбашарий қадриятларга алоҳида урғу беришимиз зарур. Шундагина катта авлоднинг доно тажрибаси англаб олинади».

Улуғ маънавиятга эга бўлган халқимиз мактабни — қадим-қадимдан муқаддас даргоҳ, муаллимни эса шу улуғ даргоҳдаги илм-маърифатли киши деб билган. Шунинг учун ўтмишда мактаб ва мадрасалар ўқувчига маданиятни, одоб-ахлоқ ва меҳр-шафқат каби инсоний фазилатларни, миллий меросимиз асосида сингдирган. Инқилобдан аввалги гўё «калтак билан уриб ўқитиладиган» мактаблар жаҳон фанига муҳаммад Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Алишер Навоий каби фан ва маданият юлдузларини етиштириб бергани ҳолда, нега собиқ совет мактаблари бундай кишиларни етиштирмади?! Чунки биз узоқ йиллар қизил империя исканжасида яшаб ўз ўтмишимизни, миллий қиёфамизни унутаёздик, маърифатдан, маънавий камолотдан йироқлащдик. Расул Ҳамзатов: «Агар сен ўтмишни тўппонча билан отсанг, келажак сени тўп билан отади», — деб ёзгани 80—90- йилларга келиб, яққол кўриниб қолди.

Собиқ Иттифоқ даврида мактабларимизда дарсликлар, ўқув қуроллари Москвода, Киевда, Санкт-Петербургда ёзилган. Уни иттифоқдаги барча болалар ўқиди. Украинадаги мактаб билан Ўзбекистондаги мактабнинг фарқи бўлмади. Ахир, Ўзбекистондаги мактабнинг фарқи бошқачароқ бўлиб, фалакиётни, алжабрни, жўғрофияни, тиббиёт фанларига дастлаб асос солган Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Абу Райҳон Беруний, Хоразмий, Абу Али ибн Синоларнинг илмий мероси асосида чуқур ўрганишимиз лозим эди. Афсуски, ўқувчиларимиз А. Р. Беруний Коопернинкдан 1000 йил олдин глобус ясаганини мутлақо билмадилар. Тарихдан Юрий Долгарукийнинг, Богдан Хмельницкийнинг, Петр I нинг қачон туғилганини айтиб беролмаса ёмон баҳо оларди. Амир Темур ва Темур Малик «бир одам» деса танбеҳ берилмади. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси дарслигида ўзбек миллий урф-одатларига шарқона турмуш тарзига номуносиб европача ҳаёт ўргатилди. Шунингдек, адабиёт дарсликларида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотадиган Рустамхон, Жаҳонгир, Холдорхон каби кўп достонларга ўрин берилмади.

Мен тупроғи олтинга тенг Мовароуннаҳр фарзанди XIV асрнинг охири XX асрнинг бошларида дунёни ларзага солган жаҳонгир Амир Темурни миллий ифтихор ва миллий ғурур туйғусини уйғотувчи сиймо деб ҳисоблайман. Ўз даври ҳарбий санъатининг мукаммал билимдони, ақл-идрок ва жасурликда тенгсиз Соҳибқирон Амир Темур дастлаб 1395 йил шимолий Кавказдаги Терек дарёси бўйида Олтин Ўрда хони Тўхтамишни тор-мор этиб, Қадимги Русни катта хавфдан қутқариб қолди. Шунингдек, Оврупо учун ҳам у халоскор ҳисобланади. Темурнинг ақл-заковати билан бунёд этилган Самарқанд ва Шаҳрисабздаги жаҳонга машҳур мақбараю мадрасалар, архитектура ва меъморчиликда ўрта асрнинг бир умрга ибратли кошоналарига меҳр миллий ғурурни кучайтиради.

Амир Темурнинг яхши хислатларини ташвиқ қилиш ёшларнинг тарбиясига таъсир қилади. Шарафиддин Али Яздий шаҳодатича, у бир фармонида шароб ичишни тақиқлаган, «Чунки шароб, — дейилади фармон шарҳида — одамларни ишдан қолдириб, ҳар хил бузғунчиликларни, ғараз ниятларни келтириб чиқаради» («Зафарнома» 288-бет).

Амир Темур ўта иқтисодчи бўлиб, саройда сарф-харажатларнинг меъёрида бўлишини қаттиқ назорат қилган. Ҳатто, хазинадан ортиқча харажат қилгани учун ўғли Мироншоҳни ва невараси Пирмуҳаммадни халқ кўзи олдида жазолаган. Фаранг тарихнависи Ду Саэнксойонинг қирол Людовик XIV га бағишлаб битгани — «Буюк Темур тарихи»нинг 1678 йил Амстердамда нашр этилган асарида Амир Темурнинг А. Македонский ва Юлий Цезардан ҳам устун бўлганини фактлар асосида ёритган. Унинг «Агар сардор баддил ва бежигар бошад бар лашкар шикаст ояд» яъни лашкарбоши бадкўнгил ва ақлсиз бўлса қўшиннинг енгилиши муқаррар деган сўзларини хуш кўрган. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини (1996 й.) нишонлашда юқоридаги маънавий ўгитларини тарғиб қилиш ўзбек халқининг жаҳондаги обрўсини янада оширади.

Ёки XV асрда Мирзо Улуғбек асос солган Самарқанддаги мадраса ўрта асрдаги яккаю ягона фанлар академияси, Расадҳонадаги жаҳон фанига дурдона бўлиб қўшилган фалакиёт кашфиётлари миллий онгни уйғотади деб чуқур ўрганилмай келди. «Зичи жадиди Кўрагоний» китобида чуқур таҳлил этилган 1080 та юлдуз тасвирланган каталог, еру заминнинг ҳаракатини ўрганган, дунёга машҳур олиму фозиллар Қозизода Румий, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид, Мавлоно Мўйиддин Коший шу замон Птолемейи деб ном олган Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи (1403-1474) ҳақида фахр туйғуси билан тўлиб, ноёб билимларни ўрганишга ўрин берилмади.»Зичи жадиди Кўрагоний» 1650 йилда Европанинг кўп мамлакатларида чоп этилиб, чуқур ўрганилган эди. Бундан фахрланамиз.

Яна бир фикр. Миллий ғурур, миллий онгни тарбиялашда миллий кибрга берилиб кетмаслик лозим. Халқимиз жаҳон халқлари қаторида ўз ўрнига эга.

Камол топаётган фарзандларимизни Ватани, халқи билан қалб тўлиб ғурурланиш руҳида тарбиялашга доир тарихий ноёб фактлар бисёрки, булардан ўрнини топиб фойдаланиш керак. Дейлик, Мирзо Улуғбек ҳаёти даврида унинг расадхонасида ясалган глобус ҳозир Британия музейида, бунга ўхшаш олимларимизнинг кўп миллий асарлари ҳам турли йўллар билан ажнабийлар олиб кетиб фойдаланмоқдалар. Биз яшаб турган бу гўзал диёр Шарқдагина эмас, Ғарбга ҳам машъал бўлишига шубҳа йўқ эди. Замонлар ўтди, мана яна мустақил бўлдик. Мамлакатимиз БМТга аъзо бўлди, жаҳондаги 150 дан ортиқ давлатлар, халқлар қатори ҳуқуқий давлат эканлигини ҳис қилиш бизга насиб этди.

Эркинлик нақадар мароқли. Бугун 23 миллион аҳоли яшаётган бу гўшада халқимиз турмушида ўткинчи қийинчиликлар бўлса-да, аксарият хонадонлар кўркам уйларда водопровод суви, электр ва газдан фойдаланишяпти. Аасфальт йўллар, замонавий машиналар, чиройли шаҳар ва қўрғонлар ўлкамизга кўрк бўлиб турибди. Халқимизнинг ҳалол ижодкорлик меҳнати туфайли яратилган сахий еримиз беҳисоб ширин-шарбат маҳсулоти, бозоридаги тўкинсочинлик бутун жаҳон аҳлининг диққатини тортмоқда.

Демак, Ўзбекистонда балқиб чиққан Мустақиллик ва Истиқлол қуёши камол топаётган ёшларни Ватанига, унинг табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат туйишга, ота-боболаримизнинг бебаҳо хазинаси бўлган миллий ифтихор ва ғурур билан маънавиятимизни қадрлашга даъват этмоқда.

Турсун ИРИСОВ.

Таклиф ва мулоҳазалар

Аждодлар кашфиёти — авлодлар фахри

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон бутун дунё миқёсига чиқди ва юздан ортиқ давлатлар уни тан олди. Фан соҳасида, хусусан, математика фани бўйича аждодларимиз кашфиётлари бундан неча-неча асрлар илгариёқ оламга машҳур бўлган. Буюк алломалар — Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Умар Хайём, Носируддин Тусий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Али Қушчи ва бошқалар математика фанини биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган янги кашфиётлар билан бойитдилар. Бу олимларнинг қўлёзма асарлари ва бу асарларнинг таржималари Нидерландиядаги Лейден, Ҳиндистондаги Ҳайдаробод ва Бомбей университетларида, Қоҳирадаги миллий ва Мустафо кутубхонасида, Машҳаддаги Имом Ризо кутубхонасида, Теҳрон миллий кутубхонасида, Оксфорд, Берлин, Париж, Лондон, Рим ва Нью-Йорк кутубхоналарида ҳозиргача сақланмоқда. Айни пайтда бу асарлар математика фани тараққиётига муҳим манба сифатида хизмат қилаётир. Буни тарих инкор қилмайди.

Ҳозирги вақтда ўқитувчилар олдида ўқувчиларга халқимизнинг ўтмиш меросини ўргатиш на фақат келажагимиз, балки ўтмишимиз ҳам буюк ўтганлигини уқтиришдан, ўқувчиларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва асосан, миллий ифтихор руҳида тарбиялашдан иборат жуда муҳим ва шарафли вазифалар турибди. Шундай экан, математика дарсликларига миллий меросимизни инобатга олиб тузатишлар киритиш зарур, деб ҳисоблайман.

Ҳозирги математика дарсларининг таълимотига биноан, буюк немис математиги К. Ф. Гаусс (1777—1881) 4-синфда ўқиётган вақтида бирдан юзгача кетма-кетлигининг йиғиндисини топиш учун қоида яратган ва бу қоидага асосан арифметик прогрессиянинг йиғиндисини топиш формуласи келиб чиққан, деган ривоят бор. Ҳолбуки, Ибн Сино ўзининг «Донишнома» (бу асарни 1030—1035 йилларда Исфаҳонда ёзган) асарида бирдан бошлаб, истаган сонгача берилган сонлар кетма-кетлигининг йиғиндисини топиш учун ҳадлар сонининг ярми билан ҳадлар сонига бир қўшилган сонни кўпайтириш керак, деб умумий қоидани бериш билан бирга арифметик прогрессия тузувчи сонлар қаторининг хоссаси формуласини ҳам кўрсатиб берган. Ҳақиқатан ҳам Гаусс буюк математик. Унга эътироз йўқ. Лекин Ибн Сино яратган қоидани Гауссники деб болаларга ўқитиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Шунинг учун мактаб математика дарслигини яратишда ана шу ҳақиқат эътиборга олиниши лозим.

Улуғбек илмий мактабининг атоқли намояндаларидан бири Али Қушчи (1402—1474) ўзининг «Ал-Муҳаммадия» асарида тенг ёнли учбурчакнинг юзини топиш учун $S=\frac{a}{4}\sqrt{4b^2-a^2}$ формулани берган (Бу ерда AB = BC — b, AC = a).

Бу формуланинг мукаммаллигини ҳар бир математик ўқитувчи татбиқ қилганда тушунади. Бу зиддиятсиз формула ўз ўрнини топиш учун Али Қушчи формуласи деб дарсликка киритсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Шу билан бирга нашриётлар орқали буюк алломаларнинг суратлари ва баъзи асарларининг рўйхатларини ўз ичига олган плакат (битта плакатда, 60 см X 80 см ҳажмда) чиқариб, барча мактабларга тарқатсак, математика ўқитувчиларига дарсларда кўрсатма учун катта ёрдам қилинган бўларди.

Математика тарихига бағишланган китоблар жуда кўп. Лекин улар орасида «Ўрта осиёлик машҳур олимлар ва уларнинг математикага доир ишлари» китоби (Аҳадова М. «Ўқитувчи» нашриёти, 1983 йил) нодир қўлланмалардан биридир. Ўқувчиларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва, айниқса, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида шу китобнинг бир қисми мазмунини тестлар орқали бутун Ўзбекистон ўқувчиларига тавсия қилиш ҳам мумкин.

Умуман, биз киритган таклифлар сингари илмий асосларни дарсликларга тузатиш тарзида киритилса, математика фани дарслари савиясини кўтаришга хизмат қилади.

Равшанжон МАҲМУДОВ, Фарғона вилояти Сўх туманидаги лицей-интернатнинг математика фани ўқитувчиси.

Иқтисод сабоқлари

ИҚТИСОДИЙ ФИКРЛАШ ВА САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ

Собиқ Иттифоқнинг иқтисодий қонун-қоидаларида объектив ва субъектив омиллар ўз-ўзидан, учинчи йўналишга бевосита салбий таъсир этади, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимида иқтисодий саводхонлик даражаси пасая боради.

Иқтисодий саводхонлик даражаси пасайишини белгиловчи омилларнинг асосийлари:

1. Иқтисодий саводхонлик даражасига таъсир этишдан оила, жамоатчилик манфаатдор эмаслиги.

Масалан, оила қишлоқ хўжалигини юксалтиришга сабаб бўлувчи фермер хўжалигини йўлга қўйиш учун болаларни жалб этиши совет иқтисодий қоидаларига, аввало, зиддир. Шу боис бунга ҳеч бир нуфузли идора йўл қўймаган. Ҳатто шахсий гулчилик, қорамол боқиш, паррандачилик каби фаолиятларни ҳам қонунсизликда айблаб, ҳалол қўшимча даромад йўлларининг барчаси таъқиб қилинган.

2. Маориф тизимидаги таълим-тарбия муассасаларининг ҳеч бири тарбияланаётган ва таълим олаётганларнинг иқтисодий тайёргарлигидан манфаатдор эмаслиги.

Жумладан, мактаб қошидаги устахоналарда, ижтимоий фойдали, унумли меҳнатдан келадиган соф фойда ўқувчига ҳам, корхонага ҳам, мактабга ҳам наф бермас эди. Бунинг сабаби, ҳатто оддий иқтисодий муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганидир, яъни ким тўғри келса, бундай мураккаб ишлар билан шуғулланаверган. Бу жараёнда ўқувчилар иштироки бўлмаган ва ҳоказолар.

3. Шахс манфаати кўзланмаган иқтисодий шаклланиш мустақил ҳаётда амалга оширишда фақат сохта расмиятчилик эканлиги, иқтисодий саводхонликка интилишни йўқотгани.

Маълумки, ижтимоий бойлик тушунчаси ҳар бир давлатдаги табиий бойлик ва неъматлар билан бир қаторда шу жамият кишиларининг меҳнат самараси билан ҳам ўлчанади. Зеро, давлатнинг ҳақиқий бойлиги ҳар бир кишининг ишлаб чиқарувчи кучга айлантирилишининг ривожи билан белгиланади. Жамият аъзосининг ишлаб чиқарувчи кучга айлантирилишининг ривожи, асосан, икки хил шаклда амалга оширилади:

— ишлаб чиқариш кучларининг ўзгариб турувчи сиёсий, иқтисодий ҳолатларини ҳисобга олган дақиқаларнинг ривожланиш босқичи келтуси кўзланган мақсадлар учун замин бўлгани ҳолда ишчиларнинг кўникма, малака ва қобилиятларини шакллантириш;

— ишлаб чиқариш кучларининг доимий ўсиш учун шароит яратиб берадиган ҳақиқий идора этувчи ташкилотларнинг бошқариш услубини яратиш. Шахснинг тўла-тўкис шаклланишига имкон берувчи бўш вақтнинг ортиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш босқичига таъсир этувчи омил сифатида бойликни ишлаб чиқариш. Бу ўринда асосий капитал инсон ҳисобланади. Аҳолининг турмуш даражаси эса ҳар бир шароитга асосланиб ишлаб чиқарилган маҳсулотлар йиғиндиси билан белгиланади. Бинобарин шундай экан, асосий ижтимоий бойликни ижодий меҳнат натижасида сақлаб қолиш ва ривожлантириш, деб қараш мумкин. Шунинг учун давлат бойлиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг яратилган меҳнат қуроллари билан ишлаш маҳоратидагина эмас, балки ишлаб чиқаришда ижод этиш, кўпроқ яратиш учун билим ва маҳоратнинг устунлигида намоён бўлади.

Иқтисодий билим ва кўникмаларни рўёбга чиқаришдаги қийинчилик айни бир вақтда мактаб битирувчисини фаолият воситасида мустақил ҳаётга тайёрлаш жараёнига катталарнинг педагогик таъсир этишдаги қийинчилиги ҳамдир. Шу сабабли вужудга келаётган назарий ва амалий муаммолар ечими бугунги кунда педагогика, психология, иқтисодий фанларнинг ваколатидан — анъанавий тушуниш доирасидан маълум даражада чиқиб, шу соҳаларнинг тушган мавзуларида кўринянти. Бунда янги турдаги билимларга талаб иқтисодий тарбияланишга педагогик ёндошиш, давлатнинг иқтисодий сиёсати, иқтисодий қонунлар талабларига мувофиқ шахс хатти-ҳаракатини бошқариш масалаларида намоён бўлаётир.

Мустақил Ўзбекистон учун халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари билан таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, жаҳон эътиборига молик бўладиган маҳсулотлар намуналарининг ишлаб чиқарилиши шарт бўлиб қолган бугунги кунда ёшларга иқтисодий таълим ва тарбия бериш давр тақозо этган заруратдир. Бу зарурат тасодифий ҳодиса эмас, балки қонуниятдир. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида янги ижтимоий-иқтисодий босқичга ўтиши, янги илмий билимлар вужудга келишининг ичил жараёни, унинг дифференцация ва интеграцияси ғоявийлиги, маълумотлилик ва касб тайёргарлигининг ўсиш омиллари шахсга ва ишчи-ходимларнинг маҳорат сифатига бўлган ишлаб чиқаришнинг талабларини тезлик билан ўстира боради. Ўқув-тарбия жараёнида бу талабларни зудлик билан акс эттириш учун педагогик прогнозлаш зарурдир. Педагогик прогнозлаш назария ва амалиётда ўқувчилар иқтисодий тайёргарлиги тизимини яратиш имконини беради. Бу тизим иқтисодий тарбияни амалга оширишнинг педагогик шартлари ва уларнинг ўзаро алоқаси шахслараро муносабатларни киши фаолият учун зарур бўлган иқтисодий аҳамиятга молик шахсий сифатларни шакллантириш воситаси сифатида ўрганиш; ёшларни фаолиятга иқтисодий тайёрлашнинг мақсад-мазмуни, амалга ошириш йўллари, ташкилий шакл ва методларини асослаш; иқтисодий тарбияга раҳбарлик қилиш шартлари кабилардан иборат.

Мактаб ўқувчилари иқтисодий тайёргарлиги тизимининг хусусиятларини Ўзбекистон Республикасининг «Таълим ҳақида»ги янги қонуни (1992 йил, июль) талабларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатиш ўринлидир. Умумтаълим мактаблари ўз ўқувчиларини касбга йўллаши, имкониятига кўра касб тайёргарлигини бера олишини кўзда тутиб, иқтисодий тарбияланганликни ўқувчиларнинг оддий иқтисодий тафаккурини шакллантиришдан тортиб то иқтисодий онгнинг муайян даражасигача бўлган жараён эканлигини англаш лозим.

Аниқ иқтисодий «алифбо» ни эгаллаган ёшларгина ташаббускорлик, омилкорлик, масъулиятни ҳис қиладилар. Улар энг кам чиқим қилган ҳолда яхши пировард натижаларига олиб борувчи йўлларни излашга қаратилган иқтисодий тафаккурнинг янги типини фаол шакллантириш мумкин бўлган янгича фикрлашга ҳам эга бўладилар.

Иқтисодий тарбия — мактабнинг муҳим ижтимоий вазифаси. У ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлашни самарали бажариш учун ёрдам беришга даъват этилган. Дарҳақиқат, мактаб ўқувчиларида ишонч, сифатли ишлай олиш, давлатимиз эга бўлган ҳамма нарсани эҳтиёт қилиш ва кўпайтириш, тежамкорлик билан муносабатда бўлиш ва уларни эъзозлай билиш каби фазилатларни тарбиялаш, айниқса, муҳимдир.

Бугунги куннинг бош вазифаси — мактаб битирувчиларига ўзларининг жамиятдаги муносиб ўринлари учун, ўз меҳнати учун ижтимоий масъулиятни тарбиялаш, уларда жамиятга керакли бўлган ҳар қандай фаолиятга эҳтиёжни шакллантиришдир. Меҳнатга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш шахс муносабатлари бутун таркибий тузилмасини шакллантириш эканини англашдир. Бунда мактабдаги муносабатлар — ўқувчи билан ўқитувчи, ўргатувчи билан ўрганувчи муносабатларини такрорлайдиган болалар меҳнатини ривожлантиришгина эмас, балки биргаликдаги фаолиятнинг тенг ҳуқуқдаги иштирокчилари муносабатлари эканлиги назарда тутилади. Бу ўсмирнинг катталар билан, жамият билан бўладиган янги типдаги муносабатларини қарор топтириш, унинг жамият ҳаётида қатнашишга бўлган психологик эҳтиёжини қондиришгина эмас, балки жамиятнинг ўзи ишлаб чиқарувчи кучларини тайёрлаш ҳақида ғамхўрлик қила бориб, болалар муносабатлари олий формаси— шахс камолоти манбаининг ривожланишидан ғоят манфаатдорлиги ҳамдир.

Мустақил Ўзбекистондаги халқнинг ҳаёт тарзини тамомила яхшилашга қаратилган ижтимоий сиёсат ҳар бир шахснинг ижодкорлигига замин ҳозирлайди. Шу муносабат билан бозор иқтисоди алифбосини эгаллаш зарурати пайдо бўлди. Афсуски, ҳозирда тараққий этган мамлакатларда мактаб ўқувчилари эга бўлган билимлар нафақат ўқувчиларимизга, балки ўзимизга — яқиндагина «режали социалистик иқтисодиёт» йўлидаги давлатда яшаган кишиларга ҳам номаълум бўлиб қолмоқда. Катталар одатда, бозор иқтисодиётини дарсликлар ёрдамида эмас, ҳаётнинг ўзидан ўрганадилар.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши мамлакатимизда демократик ислоҳотлар учун кенг йўл очиб берди. Бу айни пайтда кечагина монолит система бўлиб туюлган «социалистик иқтисод»га зарба бераётир. Мамлакатда давлат мулки монополиясидан узоқлашишдек оғир жараён кечмоқда: ягона марказлашган режалаш билан иш кўрадиган маъмурий буйруқбозлик системаси яксон бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан эълон қилинган иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Республика Президенти белгилаб берган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосий йўналишларида қайд этилганидек, бизнинг мамлакатда иқтисод сиёсатдан устивор ҳамда у мафкурадан ташқаридадир: давлат бош ислоҳотчи саналади ва бошқариш воситалари давлат ихтиёрида бўлади, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш зарур... Бироқ, муаммонинг ижобий ҳал этилиши асосан ўсиб бораётган авлоднинг иқтисод ҳақидаги тушунчаларни англаши билан амалдаги ижросининг мувофиқлашувига таянадиган иқтисодий тафаккурига боғлиқдир.

Давлат томонидан ишлаб чиқилган йўлланма ва кўрсатмалар иқтисодий тарбияни узлуксиз таълим-тарбиянинг бир бутун тизими занжирининг мажбурий таркибий қисми сифатида, ҳар томонлама ривожланган шахснинг шаклланишидаги зарур шарт-шароит сифатида ўрганишга имкон яратади.

Эркин тадбиркорлик даври бозор иқтисодининг бошланғич асосларини, иқтисод асослари ҳақидаги билимларининг янги манбаларини эгаллашни тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда хусусий мулкка, табиатга, меҳнатга бефарқ муносабатда бўлган ва режалаштириш, фойда кўриш, кирим-чиқим, маош ва ҳоказолар ҳақидаги эскича тушунчаларга эга бўлган шахсни қайта тарбиялаб, замонавий ижодкор шахсни яратиш — бу берилган ижтимоий буюртмадир.

Жамият тараққиёти шахслар яратган моддий ва маънавий бойликлар билан ўлчанади. Тараққиётни белгиловчи шахс сиймоси эса идеаллаштирилади. Сабаби, жамият тараққиётига инсонлар бир хил ҳисса қўша олмайдилар. Ижтимоий муносабатлар инсоният тараққиётига таъсир этувчи ишлаб чиқаришни заруратга айлантиради.

Демак, ўзлаштирилаётган аниқ иқтисод борасидаги билим, кўникма, малакаларнинг амалий натижалари ўйин, ўқув, меҳнат фаолиятларида самарасига кўра атрофлича таҳлил этилиши ва истак, қобилиятларига кўра маълум йўналишга қаратилиши зарур.

Зуҳра ВАЛИЕВА,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

(Боши ўтган сонда).

Соғлом авлод учун

ЭЗГУЛИККА ЙЎНАЛГАН ТАДБИР

Қуёш, ер, сув, ҳаво, тупроқ — табиатнинг азалий мезонлари бўлса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси эса ана шу мезондаги устқурмадир. Табиат гўзалликларга тўла. Лекин нохуш манзаралар ҳам йўқ эмас. Табиатда мутаносибликни сақлаш нимага боғлиқ? Баралла айтиш мумкинки, митти болакайлар қалбида табиатга муҳаббат туйғусини шакллантиришга, уни узлуксиз ривожлантиришга боғлиқ. Эндиликда бу эзгу мақсадга насиҳатбозликдан, бир хил қолипга солинган тарбия услубидан чекинган ҳолда ноанъанавий машғулотлар билан эришиш лозим бўлиб қолди. Яқинда Чилонзор туманига қарашли 586-болалар боғчасида экологик тарбияга доир ана шундай тадбир ўтказилди.

Ясанган болакайлар боғча ҳовлисида мусиқага мос ҳаракатлар билан пайдо бўлишди. Уларнинг қўлларида оқ, қизил, сариқ, пушти гуллар. Қуёш, Шамол, Ёмғир, Олов, Булут қиёфасидаги боғча опаларнинг ҳовлида пайдо бўлишлари, айниқса, завқли бўлди.

Миллий гуруҳларнинг қизиқувчан тарбияланувчилари командага бўлинишиб, тувакларга гул кўчатлари ўтказишди, ким чаққон бўлди, ким орқада қолди, ким сурилиб йиқилаёзди...

Тошкент давлат педагогика институти мактабгача тарбия факультетидан таклиф қилинган ўқитувчилар ва III курс сиртқи бўлим талабалари «Чебурашка» группаси машғулотида иштирок этишди. Группа тарбиячиси Надежда Нестеренко болаларни табиат бошқотирмасига жалб қилди. Бошқотирмани ечиш натижасида «Сув — бу ҳаёт», деган ибора пайдо бўлди. Сўнгра сувнинг фойдали жиҳатлари ва уни исроф қилмаслик тўғрисидаги савол-жавоблар машғулотга алоҳида аҳамият касб этди.

Боғча залида «Солнышко» группаси тарбияланувчиларини мактабга кузатиш маросими ҳам бўлди. Қадрдон боғчани тарк этиш жажжи болакайларнинг қалбларини тўлқинлантириб юборди. «Хайр, боғча!», — дея улар бироз ғайри-табиий ҳолга тушдилар.

Боғча мудираси Дилбар Ғуломова болажонларнинг ҳар бирига мамнун боқаркан, шундай деди: «Бизнинг иссиқ меҳримизни ҳеч қачон унутманг, азиз болажонлар!»

Боғча ҳаёти билан танишув, тарбияга ёндашув услублари хусусида институт мактабгача тарбия услубияти кафедраси ўқитувчилари Муяссар Нурматова, Ҳидоят Жамоловалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Ўтказилган тадбир бизга маъқул келди. Агар бу машғулотларга миллий хусусиятлар ҳам жо қилинса, нур устига нур бўларди.

А. ОМОНБОЕВ.

Қутлуғ остона

НАВБАТ МАКТАБГА

Ёз олаларнинг энг севган фасли. Бу даврда мактаб ўқувчилари сўлим оромгоҳларда, оромижон ғўшаларда ҳордиқ чиқарадилар.

Хўш, боғчаларда-чи? Бу ерда ҳар қачонгидек болалар гавжум. Айниқса, боғчага илк бор қадам қўйган кичкинтойлар қувончи бир олам. Катта гуруҳ болалари эса севимли боғчалари билан хайрлашиб, мактаб остонасидан ҳатлаганига хурсанд.

Тошкент шаҳридаги Юнусобод туманининг «Қунғироқча» номли 173-болалар боғчасида ўзига хос байрам бўлиб ўтди. 270 нафар боладан 45 таси ҳадемай билим масканига қадам қўядилар. Улар ўз боғча опаларига бўлган миннатдорчиликларини маҳорат билан ўзбек, рус, инглиз тилларида ижро этилган шеър ва қўшиқлар орқали изҳор этдилар. Айниқса, болалар томонидан ижро этилган интермедия, «Амир Темур» саҳналаштирилган театри отаоналар, тарбиячилар, йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Кичик гуруҳ болалари ҳам ўз опа-акаларини қутлашди.

А. ОРТИҚОВА,
ТошДУ талабаси.

СУРАТЛАРДА: «Хайр боғча» тадбиридан лавҳалар.

Суратчи А. МАМАДАМИНОВ.

Акс садо

ҚАЙСИ БИРИ ТЎҒРИ?

Республикамиз мустақилликка эришгандан бери темуршунослик фани барқ уриб ривожланмоқда. Темуршунос олимларнинг асарларида тарихий шахсларнинг исмлари ва шахслар тўғрисидаги ноаниқликлар ҳақида ўз шахсий мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

1. Соҳибқирон Амир Темурнинг падари бузрукворлари исми шарифлари ҳақида: Тарағай (Ибн Арабшоҳ, 68 б.) Турғай (Поён Равшанов), Тўрғай (Тоҳир Қаҳҳор) деб ёзмоқдалар. «Менимча Амир Темур ҳаёти сўнгги пайтларда диққат билан ўрганила бошланғани тезда бундай муаммоларни бартараф бўлишига олиб келиши шубҳасиздир», деган Хуршид Даврон сўзларига ишонгим келади.

2. Соҳибқирон Амир Темурнинг волидаи муҳтарамалари тўғрисида. Тегина (Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» китобида), Некия («Темур ўғлоннинг туғилиши» Е. Е. Березиков), «Амир Темур қурдирган Шаҳрисабздаги Оқсарой онаси Некуз биби шарафига 1404 йили бунёд этилди» («Маърифат» газетаси 1996 йил 27 январь сони. Наим Норқулов), Негина бегим (Амир Темур. Б. Аҳмедов, 447-бет) Никина бону (Салимий, Туҳфатул аҳбоб, 6-бет) ва ҳоказо.

Энди мазкур номларни лексик ва этимологик жиҳатдан маъносини кўриб чиқайлик. Текин — паҳлавон, олов, кичик ҳовуз (Ғиёсул-луғот, 126-бет) Негин — қимматбаҳо тош, узук (Ғиёсул-луғот, 531-бет); Тегин, Такин атамаси қиз болага исм бўлиши муносиб келмайди. Негин эса бир олмانинг икки палласидек жуда мос ва хосдир. Ҳурматли академик тарихчимиз Бўриевой Аҳмедов — «Амир Темур» китобида Негина деб тўғри ёзганлар. Нега?

Ўрта асрларда олим ва ёзувчиларимизнинг китоблари қўлда кўчирилган ва кўпайтирилган. Эски ўзбек ёзувидаги «те»ҳарфи билан «нун» ҳарфи сўз бошида битта нуқта билан фарқ қилади. Хаттот Негина сўзини ёзганда «нун» ҳарфи нуқтасини қалинроқ ёзиб юборган бўлиши мумкин. Бундай ҳоллар хаттотликда учраб туради. Тарихчиларимиз уни Негина эмас — «Тегина» ўқиган бўлишлари мумкин. Энди, Некия ва Некуз исмларига келсак Евгений Березиков билан Наим Норқулов қайси манбага асосланиб бундай ёзишган. Таажжуб, ҳамма ўйламай-нетмай ўз билганича ёзаверадими?

3. Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Қазағон ҳақида. Ҳусайн Соҳибқирон Амир Темурнинг тенгқури. Ёшликдан дўст бўлиб ўсганлар. Ҳусайннинг бобоси турк бўлиб, Қозонхон даврида амирул — умаролик мансабида бўлган. 1345 йили Қозонхонни Қазағон тахтдан азл этиб, қатл қилган вақтда Қозонхоннинг қизи Сароймулк хоним беш ёшда эди. У 1341 йили Қаршида туғилган. Лекин 1355 йилгача, яъни Ҳусайн уни ўз никоҳига олгунча Шаҳрисабзда яшаб, вояга етади. Соҳибқирон Амир Темур Сароймулк хонимдан беш ёш катта. Шаҳрисабз улуғлари оилавий борди-келди қилиб туришган. Ушанда Сароймулк хоним билан Амир Темур ўртасида ўзаро меҳру муҳаббат уйғонган. Сароймулкхоним ёш Темурбекнинг жасоратларидан мағрурланиб юрарди. 1355 йили Амир Ҳусайн Сароймулк хонимга уйланган йили Темурбек отаси билан Амир Қазағон ҳузурида бўлади. Амир Қазағон икки ёш ўртасидаги дўстлик бузилмасин, деб Ҳусайннинг синглиси Улжой Турконоғани Темурбекка никоҳлаб беради. Поён Равшанов («Темурнома» 25-бет) Ҳусайн ибн Мусаллаб деб ёзади. Қайси манба асосида?

Темурбек ўзининг биринчи хотини Чоғуй барлоснинг қизи Нурмушк оғага Камолойдан бир йил олдин уйланган бўлиши мумкин. Жаҳонгир Мирзо билан Умаршайх мирзоларнинг бир йилда 1356 йили туғилишлари буни исботлаб турибди. 1370 йили амир Ҳусайн қатл этилгач Темурбек Ҳусайннинг ҳарамидаги уч нафар малика қатори Сароймулкка уйланади.

В. Череванский («Амир Темур», 215-бет): «Сароймулк хоним Қозонхоннинг қизи бўлиб, 1371—1372 йилларда туғилган, деб ёзади.

4. Амир Жоку барлос ҳақида. Бўриевой Аҳмедов ёзадилар:

«Темурбек оҳиста унинг оёқ тарафига чўққайди ва бекнинг оёқларини тебратиб уйғотди.

— Тоғойи, ҳой тоғойи! Кўзингизни очинг. Туринг дейман».

Бу гапларга ишонадиган бўлсак, Амир Жоку барлос Соҳибқиронга тоға, яъни онаси Негина бегимнинг укаси Садруш — Шариъа Убайдуллоҳ Бухорийнинг ўғли бўлиб чиқади. Демак, Негина бегимнинг отаси Садруш — Шариъа Убайдуллоҳ асли барлос қабиласидан бўлиб, Бухорога кўчиб, шу ерда турғун бўлиб қолишган. Шунинг учун Турағай баҳодир ўғлига Садруш — Шариъанинг қизи Негина бегимни олиб бергани бежиз бўлмаган. Бу икки оила қариндош бўлишган. Буни Бўриевой Аҳмедов исботлаб берганлар.

Жоку барлос Амир Темурга ҳам тоға, ҳам қайнота бўлган, менимча. Шу туфайли у жиянига сафдош бўлиб, Қарши ва Шаҳрисабзда яшаб, Амир Темур ҳимоясида улуғ амир даражасига кўтарилди.

«1384 йилнинг қиши ўртасида Соҳибқирон Амирнинг яқин қариндоши ва бошдан унинг узангисида бўлиб, қиличини чопиб келган Жоку барлос оламдан ўтди. Амир Темур марҳумнинг фарзанди аржуманди Жаҳоншоҳга кўп навозийлар кўрсатди ва отасининг мансабига тайин қилди» (Б. Аҳмедов. Амир Темур, 268-бет).

Поён Равшан ўзининг «Занжирсарой» китобида 1394 йил воқеалари шарҳида Амир Жоку ва Жоку барлос борлигини ёзади. Бўриевой Аҳмедов домланинг мазкур китобларида битта Жоку борлиги эслатилади ва 1395 йил воқеаларида (432-бет), 1401 йил воқеаларида (526-бет) яна тилга олинади...

5. Катта амирлардан Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин етакчилигида Бағдодни сўл тарафдан ўраб олинди (Б. Аҳмедов. Амир Темур, 382-бет). Аммо китобда бу амирларнинг қаердан эканлиги, қайси хизматлари эвазига катта амир бўлиб етишганлари, аждоддлари ким бўлгани ҳақида маълумот учратмадик. Бу икки амир Соҳибқирон Амир Темурнинг охирги кунларигача бирга бўлдилар. Яна катта амирлардан Додмалик ва Севинч Буғолар шаҳрисабзлик бўлиб, уларнинг қабр тошларида отлари, ўлган йил ва ойлари ёзиб қўйилган.

Ўрта махсус ва олий ўқув юртлари талабаларига тарих ўқитувчилари юқорида зикр этилган чалкашликларнинг қайси бирини тўғри деб тушунтиришлари мумкинлигини ҳурматли «Маърифат» газетаси ижодий ходимларидан сўрар эдим. Олимларимиз тарихий воқеалар баёнида бир тўхтамга келишлари лозим эмасми?

Султон СОИБОВ.
Шаҳрисабз шаҳридаги 1-ўрта мактаб.

«Олтин мерос» танловига

МАҚОЛМИКАН, МАЪНОМИКАН?..

ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТИ, ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Эрнинг яхшиси, эл билан ўйлашади,
Аёлнинг яхшиси эр билан ўйлашади..

***

Эрнинг асили кучидан билинади, хотиннинг асили — ишидан.

***

Ҳар супранинг нони бошқа.

***

Яхши қиз — ёқадаги қундуз,
Яхши йигит — кўкдаги юлдуз.

***

Одамни умид семиртирар, қайғу кемирар.

***

Қучқор бўлар қўзининг манглай-жаги ўнг келар,
Одам бўлар боланинг этакенги кенг келар.

БИРЛИК, АҲИЛЛИК, ТОТУВЛИК

Қирқ киши бир томон, қинғир киши бир томон.

***

Ознинг азончиси бўлгунча, кўпнинг қозончиси бўл.

***

Кенгашли ерда камлик йўқ, кенгашсиз ерда тенглик йўқ.

Мақолларни Ҳулкар ТЎЙМАНОВА саралаб газетага тайёрлади.

(Боши газетамизнинг ўтган сонида).

Ўстознома

НАМУНА САБОҒИ

Мактабга илк бор ишга келган куним ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Гугурт қутисидай мўъжазгина илмий мудир хонасига салом бериб ийманибгина бош суқдим. Учтўрт ўқитувчи мук тушиб ёзувчизув билан банд қорачадан келган бўйдор, елкалари кенг, тўлагина, эллик-эллик беш ёшлардаги бир ўқитувчи ўтирар эди.

Астагина курсига чўкдим. Ҳалиги жиддий раҳбар шиддат билан чўт қоқар, олдидаги пиёладан тез-тез чой ҳўплаб қўяр эди. Ўқитувчиларнинг бирин-сирин келиб, ўқув режаларидаги тушунмовчиликларни сўрашларидан англадимки, бу одам илмий бўлим мудири — Эргаш ака эканлар. Жуда сержаҳл раҳбарга ўхшайди, деган фикрга бордим. Илмий мудирнинг салобатли қиёфасидан негадир чўчий бошладим...

— Қани қизим, ёнимга ўтир, — деди у киши дарров «сен»лашга ўтиб, — хафа бўлмайсан, болам, сен маҳаллага келин бўлсанг, мактабда менинг қизимсан.

Мана шу икки оғиз сўз менинг ҳаяжонимни бутунлай тарқатиб юборганди.

Бу воқеага салкам ўн беш йил бўлди. Одатда, инсоннинг ички дунёси унинг кўзларида дейишади. Менимча, педагогларда бу сеҳр овозда ҳам бўлса керак. Эргаш ака Қозоқбоев табиатан (гарчанд иши жуда майда бўлса ҳам) ўта босиқ, вазмин, ҳар нарсага асабийлашавермайдиган, ҳиссиётини ёлғиз ўзи бошқара оладиган ноёр педагог эдилар. Масалан, бир ўқитувчи дарсга кечикиб келгудек бўлса Эргаш ака:

— Болам, сени ҳатто бирор юмушинг чиқиб қолган бўлса ҳам, барибир, бирров келиб кетади, деб тургандим, — дердилар босиқлик билан.

Ёки:

— Ўқувчиларингга топшириқ бериб чиқдим. «Ўқитувчингиз илтимос қилиб, беш дақиқа кечикишим мумкин деб айтганди», дедим уларга. Эргаш ака шу каби «ёлғон» сўзлар ишлата олиш маҳорати орқали қўл остидаги педагогларни тарбиялар эдилар. Эргаш аканинг яна бир яхши фазилатлари бор эди. Агар бир ўқитувчининг ишини ўрганмоқчи бўлсалар, аввал:

— Болам, сен менинг дарсларимни бир-икки марта кузатгин, бир-биримизни ўрганамиз, — дедилар.

Бу сўздан менга тақлид қил, фақат мендан ўрган, деган хулоса қилиш нотўғри эди, албатта.

Бунинг боиси устоз ёш педагог саросималанмай дарсда ўзини бемалол тутиб, эркин дарсини ўтсин, демоқчи бўлардилар.

Илмий мудир дарслар сифатли, салоҳиятли ўтиши учун кўп усулларини, кўргазмали қуроллардан ўринли фойдаланишни тавсия этарди. Ҳатто тилчи бўлмаган ўқитувчилардан ҳам ёзув коллеграфиясини жиддий талаб қиларди. «Ўқитувчи ўқувчилари учун бир андоза, унинг ҳар бир сўзи, юриш-туриши ибрат бўлмоғи керак», дерди.

Ўша 80-йилларнинг ҳам ўзига етарли мураккабликлари, айниқса, пахта йиғим-терими давридаги қийинчиликлари бор эди. Ўқувчиларнинг умумий йиғилишида Эргаш ака ҳеч қачон: «Қани, болалар, жим туринг!...», «Диққат билан қулоқ солинг!...», деган ибораларни ишлатмасдилар. Илмий бўлим мудирининг сермаъно нигоҳидан кўп нарсани уқиб олиш мумкин эди. Босиқлик, вазминлик билан у киши гапирганда атрофга сув сепгандай сукунат чўкарди. Чунки устознинг ҳар бир сўзида ҳам ташвиқот, ҳам масъулият даъватини тушуниб олиш қийин эмасди. Гўё «Қари бор жойда пари бор», ёки «Фариштанинг иши сариштa» каби иборалар айнан мана шу камтарин устоз учун айтилгандек.

Эргаш ака деганда маҳалланинг ёшу қариси кўз ўнгида сўзларидан меҳр ёғиладиган, самимий инсон, ҳамқишлоқларнинг яхши- ёмон кунларида, шодлигу ташвишларида бошу қош бўладиган жонкуяр маҳалла қўмитасининг раиси гавдаланарди.

Яна бир воқеа асло ёдимдан чиқмайди. Бир йили 30 декабрда мактабимиз залида ўқитувчилар учун дастурхон безатилиб, ошга унналди. Биз ёшлар хизматдамиз.

Эргаш ака мени имлаб чақирдилар ва: «Директорнинг машинасида ғизиллаб бир жойга бориб келамиз», — деб қолдилар. «Қаёққа?», «Нимага?» — деб эзмаланишга журъат этолмадим. Бирор юмуш бўлса керак, деган ўйга бордим.

Қай кўз билан кўрайки, машина ғизиллаб менинг болалигим ўтган қишлоқ томон кетар эди. Қарангки, кекса педагог, узоқ йиллар оғир дардга чалиниб қолган менинг отамни совға-салом кўтариб, байрам билан мендан олдин кўриб келишни режалаштирган эканлар...

Эргаш ота қирқ йилга яқин умрини фақат мактабга, ўқувчилар таълим-тарбиясига бағишлади. Кўп марталаб жамоа хўжалигидаги турли раҳбарлик лавозимларига таклиф этишганининг гувоҳи бўлганман. Ушанда устоз: «Педагоглик — менинг қисматим, амалсиз яшаш мумкин, аммо қисматдан қочиб қутулиб бўлмайди. Қолаверса, болалар — жону дилим, мактаб эса иккинчи уйим», — дер эдилар...

Оқар сув каби йиллар елиб ўтмоқда. Мактабимизда ҳар гал учрашув, кечалар уюштирилса, тўрдан устозга жой ажратамиз. Афсуски, бир неча операциялар, қанд, юрак, қон босими касалликлари отага азоб бериб келяпти...

Эргаш ота билан тез-тез учрашиб турамиз. Бундай пайтларда отага далда, саломатлик тилаш билан ўзим ҳам у кишининг суҳбатларидан озуқа олгандек бўламан. Ўзимга ишонч, касбимга ҳавасим, оиламга, мактабимга меҳр, одамларга ҳурматим янада оша бошлайди...

Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 3-ўрта мактаб ташкилотчиси.

Олтин ёз — ўтмоқда соз!

«ОЙМОМА СУВ ИЧГАН ОЙБУЛОҚ...»

Тоғлар... Пурвиқор ва мағрур тоғлар... Булоқлар макони. Дарёлар ҳам илк бор худди ана шу жойларда туғилади. Зилол, шифобахш булоқ сувлари тошдан-тошга урилиб-урилиб пишади, йўл-йўлакай сон-саноқсиз тоғ гиёҳларини, майсаю ўтуланларини ювинтириб-ювинтириб, ўзиям доривор шарбатларга роса тўйинади...

Лангар дарёси ҳам тоғ бағридаги зилол чашмалар сувлари ҳисобига юксак тепаликлардан серташвиш пастликларга қараб йўл олади. «Арғамчига қил қувват». Йўл-йўлакай Бошмон булоқдан тортиб, санаб саноғига етиб бўлмайдиган ҳисобсиз катта-кичик булоқлар Лангар дарёсига ўз улушини қўшаверади...

Ойбулоқ. Оймомо сув ичган Ойбулоқ. Зилол ва шифобахш булоқ. У Лангар қишлоғининг қоқ белида жойлашган. Қадим-қадим ривоятларга қараганда ҳам маҳаллий халқ Ойбулоқнинг сувидан ошқозон ва ичак, асаб касалликларида, овқат ҳазм қилишда шифо сифатида фойдаланган эканлар. Тўғриси, тоғликлар булоқларга ихлосли бўлишади. Улар қаерда булоқ кўриб қолишса, дарҳол унинг кўзини очишади, атрофига ниҳол экишади...

Фикри ожизимизни бир жойга жамлаб, яна Ойбулоққа қайтадиган бўлсак, Ойбулоқ нафақат Лангар қишлоғидаги, қолаверса, Чироқчи туманидаги булоқларнинг ҳам энг омадлиларидан бири ҳисобланади. Унинг танга даво сувидан бир эмас, ўн эмас, балки юзлаб, минг-минглаб инсонлар ичади, баҳра олади. Негаки, унинг замирида болалар оромгоҳи бунёд этилган. Ушбу оромгоҳ ҳам булоқ номм билан ҳамоҳанг «Ойбулоқ» деб аталади. Республика ички ишлар вазирлигининг Қашқадарё вилояти бошқармаси тасарруфидаги ушбу оромгоҳнинг қоқ ўртасидан ўзгача бир манзара кашф этиб, Лангар дарёси оқиб ўтади. Оромгоҳ замини зич турфа дарахтлар билан қопланган, булбуллар, турли-туман хушовоз сайроқи қушлар Ойбулоққа макон қуришган. Ойбулоққа ташриф буюрган кишининг баҳри дили очилиб кетади...

Мустақил бўлишимиз шарофати билан «Ойбулоқ» оромгоҳи том маънода қайта қурилди. Биз бу ёруғ дунёда болаларимиз учун яшаяпмиз. Улар — бизнинг келажагимиз. Буни чуқур идрок этган вилоят Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти оромгоҳга асосий эътиборни қаратди. Қатор-қатор, бири-биридан чиройли бинолар қурилди, милиция ходимларининг оммавий ҳашарлари уюштирилди. Хуллас, болаларнинг мароқли дам олишлари учун керакли барча шарт-шароитлар муҳайё этилди.

«Ойбулоқ» оромгоҳи маъмурияти бу йил тайёргарлик ишларини ўтган йиллардагига нисбатан ҳам аниқроқ тузилган режа асосида амалга оширдилар. «Ойбулоқ»даги мавжуд бино ва жиҳозлар таъмирланди, дарахт ва гулларга шакл берилди, атроф ўйлқалар ўт-ўланлардан тозаланди. Чўмилиш ҳавзалари, спорт майдонлари тахт ҳолатга келтирилди, тарбиячи ва бошқа мутахассислар ўз вақтида жалб этилди.

«Бу йилги мавсумда уч босқичда, ҳаммаси бўлиб 450 нафар болага хизмат кўрсатамиз, — дейди «Ойбулоқ» оромгоҳи директори Абдумуталлибжон Юсупов. — Мақсадимиз битта: болалар бекаму кўст дам олишсин деймиз....». Аслида гапнинг индаллоси шу. Қайси оромгоҳга борманг, қатор-қатор режалар, тадбирлар. Бироқ хулосага келсак, болалар яхши дам олишлари керак.

Мана, «Ойбулоқ»да дастлабки босқич бошланди. Оромгоҳ ўз бағрига бепоён Қашқа воҳасининг узоқ-яқин қишлоғу шаҳарларидан ташриф буюрган 150 нафардан зиёд болани қабул қилиб олди. «Ойбулоқ» янада ўзгача чирой очди. Бахтиёр ёшлар «Ойбулоқ»нинг ойдин тонглари билан баробар уйғонишиб, эртаклардаги мисол Ойбулоқнинг зилол ва шифобахш сувларида юз-қўлларини ювишаяпти. Тўкин дастурхонда овқатланишаяпти, ўйнаб кулишаяпти. Улар тоғ дарёсининг тоза сувида чўмилишиб, ҳордиқ чиқаришаяпти. Пурвиқор ва мағрур Лангар тоғларига саёҳатлар уюштиришаяпти, маданий ҳордиқ чиқариш онларида дилдан яйраб қушиқлар куйлашаяпти: «Оймома сув ичган Ойбулоқ...»

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Тошкент шаҳридаги 186-мактабда ўқувчиларнинг таътил кунларини мароқли ўтказиш мақсадида ажойиб лагерь ташкил этилган. Бу ерда шаҳарнинг тўртта мактабидан саралаб олинган 100 нафар бола мириқиб дам олмоқда.

Лагерда болалар турли ҳаракатли ўйинлар ўйнайдилар, «Қувноқ стартлар» мусобақаси, конкурс ҳамда викториналарда иштирок этадилар, саёҳатларга чиқадилар. Умуман, бу масканда болажонларга илиқ табассум, қувончли лаҳзалар бахш этувчи барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Лагерь бошлиғи Гавҳар Тўлаганова эса доимо улар билан бирга.

СУРАТЛАРДА: лагерь ҳаётидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Биласизми?

ҲАР ЖОНЗОТНИНГ ЎЗ ҚИЛИҒИ БОР

Одамлар ҳаёти Ер юзидаги ҳашароту жонзотлар, парандаю даррандалар, ҳайвонлару ўсимликлар билан азалазалдан боғланган. Шу боис уларнинг шарт-шароитларини, ҳар бирининг ўзига хос «қилиқ»ларини билишга доимо инсон қизиққан. Мисрлик Муҳаммад Камолиддин Абулбоқийнинг «Ҳаётул ҳайвон» китоби ҳам ана шу ҳақда ёзилган. Муаллиф узоқ вақт ҳайвон ва қушлар, ҳашаротлар яшаш тарзини кузатиб, бу ҳақда буюк олимлар ёзган китобларни ўқиб-ўрганиб ва шу асосдаги ўз асарини ҳижрий 743 йилда ёзган. У ўз китобида ҳайвонлар, паррандалар, ҳашаротлар ҳақида маълумотлар бериш билан биргаликда айрим дидактик ҳикоялар, ўгитлар, зарур ўринда шифо учун муолажаларни ҳам баён этади.

«Ҳаётул ҳайвон»даги айрим парчаларни таниқли журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдупаттоҳ Ҳожи Набихўжа ўғли мазмунли таржима қилиб, таҳририятимизга тақдим этди. Биз бу парчалар ўрта мактабда география, биология, тиббиёт фанларини ўрганишда маълум даражада ёрдам беради, дидактик ҳикоялар эса ёшларни тарбиялашда қўл келади, деган умид билан уларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ҲАШАРОТЛАР ҲАҚИДА

ЧИВИН

Сўна-чивиннинг умри 40 кечаю кундуз дебдурлар. Сўнанинг фил хартумига ўхшаш хартуми бор. Шу хартуми билан у инсонлар ва ҳайвонларнинг қонини сўриб, озиқланади.

Сўна-чивинлар ифлос жойда кўпаяди.

Сўна-чивин жуфтлашганда эркаги модасининг устида бир кеча ётур экан.

ҲИКОЯТ. Араб халифаси Абдужаъфар Мансур (XII аср) тахтда ўтирганида бир сўна келиб юзини чақиб, қонини сўриб, учиб кетди. Халифа ғазабланиб: «Эшикда ким бор?» деб бақирди. Мулозимлар чопиб келиб, ўшал заминнинг машҳур олими Маҳатили Сулаймон борлигини айтишди. Халифа мулозимларига буйруқ бериб: «Чақир уни!» деди.

Олим халифанинг ёнига келиши биланоқ Халифа: «Эй олим, сўна нима учун яратилган?» — деди. «Эй, Халифам, сен каби ҳокимларни ва ўзини катта тутиб юрувчиларни хорлашга яратилган», деб жавоб берди Сулаймон. Ҳазилнинг маъносига тушунган халифа кулиб юборди.

Сўнг олим маслаҳат берди: «Ош қовоқнинг ялпоғини қайнатиб, хона-уйнинг деворларига сепилса, сўна-пашшалар бу уйга кирмас».

Халифа деди: «Ия, бу қонхўр сўнадан қутилиш осон эканку».

Кейин у мулозимларига ҳар куни ош қовоқ ялпоғини қайнатиб, сувини сепиб туришга буйруқ берган экан.

Муҳаммад ибн Закарий деган табиб айтган экан: «Тиш қаттиқ оғриб турганда бир дона тирик сўнани тутиб, ўшал оғриб турган тишнинг милкига қўйилса, оғриқ ўша заҳоти тўхтар». Демак, сўна-чивинни худо бекорга яратмаган экан.

АҚРАБ(чаён)

Чаённинг 8 та оёғи бўлур. Балиқ каби ҳалича бўлишдан қўрқур. Чунки чаён авратидан бола туғилмайди, боласи она қорнини ёриб чиқар, онаси эса ҳалок бўлур.

Чаённинг отаси чивин, пашша, арини тутиб олиб, боласини боқади. Ажабки биров унга тегмаса, у бировни чақмайди.

Бирор жонзот чаёнга тегса, у чақишга ҳаракат қилади. Катта чаён илонни чақса, илон унинг заҳаридан ўлур. Агар илон уни чақса, ўлмайди. Чаён эркаги билан жуфтлашганда эркаги тез қочиб қолса, ўлмай қолур, урғочи чаён жуфтлашгандан сўнг эркагини қувиб бориб чақар ва уни еюр.

ҚУШЛАР ҲАҚИДА

ТОВУС

Товус уч ёшда балоғатга етиб, эркаги билан жуфтлашиб, ҳар йили 12 дона тухум қўядур. Аммо товус нечундур унча кўпаймайди.

ЛОЧИН

Қушлар орасида лочин катта ва бақувватдир. Тузилиши: уст томонининг патлари қора-кўк, кўзи қирмизи ва жуда ўткир. Овга чиқса, унинг ўлжаси бури, тулки, бўлса-да тап тортмай белига қўниб олади. Сўнг ўткир тирноқли панжаси билан ўлжасини қисиб, ўткир тумшуғи билан чўқилаб ҳолдан тойдирур, аммо емас. Ўлжани ўз хўжасига олиб келур.

ҲИКОЯТ: «Хўроз билан лочин суҳбати».

Лочин хўрозга айтди: «сен қандай беадабсан?» Хўроз сўради:

«Мен нечун одобсиз эканман?»

Лочин айтди: «сен аввал тухум эдинг, товуққа бостирдилар, тухумдан жўжа бўлиб чиқдинг, улғайдинг. Энди ўз ҳовлингдаги товуқлар етмаганидек, қушни ҳовлининг деворига чиқиб қичқирурсан, қушнининг товуқларига ҳам хўжайинлик қилурсан, бу беадаблик эмасму?»

Хўроз жимиб қолди, айбига иқрор бўлди шекилли...

(Давоми бор).

Хуллас...

НОСТРАДАМУС АШАДДИЙ ИШҚИБОЗ

чиқиб қолди. Футболга. Дарвоқе, Мишель Нострадамусни яхши билсангиз керак. Бундан тўрт юз йилча олдин яшаган. Машҳур мунажжим. Унинг Гитлер, СПИД, Совет Итифоқи ҳақидаги башоратлари жуда оммавийлашиб кетган. Олимлардан Д. Хемблинг бугунги кунда ҳамманинг эътибори қаратилган Европа чемпионатида Англия чемпионликни қўлга киритади, деган фикрини Нострадамус фикри билан исботламоқчи бўлаяпти. Ҳақиқатан, бундан тўрт асрларча олдин башоратчи, қандайдир бир турнирда уч шер акси туширилган жамоа биринчиликни олади, деган гапни айтган. Бу гапдан англияликлар жуда хўрсанд. Келажакни эса ўйинлар кўрсатади. Зеро, Дунё, ўйинлардан иборат.

УЙҚУНИ АФЗАЛ БИЛИШДИ

Приморье ўлкасининг газеталаридан бири ўсмирлардан сўров ўтказди: «Агар суткада бир соатгина бўш вақтингиз бўлса, нимага сарфлардингиз?».

Баъзилар мусиқа эшитаман, бировлари бадиий китоб ўқийман, кўпчилиги кино кўраман, дея жавоб берди. Бироқ ўсмирларнинг 85 фоизи «ухлардим», дея ҳаммани ҳайратга солди.

Ёшлар «уйқучиликни» мактаб ва уйдаги вазифаларга тақашмоқда. Мутахассислар эса бунинг сабабини витаминсиз овқатланишдан излашмоқда.

Спорт

МАОРИФЧИ ТЕННИСЧИЛАР

Теннис корти бўйича республика мусобақаларига «Ҳавас» номи белгиланганлигини биламиз. Андижондаги бу тур бўйича ўтказилаётган мусобақалар эса, «Ибрат» кўрсатиш шиори остида олиб борилмоқда. Бугун вилоятда яна бир тантанали спорт байрами ташкил этилди. Вилоят ХТБ бошлиғи Ж. Халиловнинг шахсий ташаббуси билан маорифчилар уч гуруҳга бўлинган ҳолда теннис кортида куч синашдилар. Биринчи гуруҳ шаҳар ва туман ХТБ мудирлари, иккинчи гуруҳ билим юрти директорлари, учинчи гуруҳда эса бошқарма тасарруфидаги институт ҳамда лицей директорлари иштирок этишди.

Мусобақа болалар ва ўсмирлар спорт мактаби негизида 27 июнгача давом этади. Финалга ҳар бир гуруҳдан иккитадан теннисчи йўл олади. Ғолибларни катта миқдордаги пул мукофотлари кутмоқда.

Андижонлик маорифчилар спортнинг бу тури бўйича мусобақаларни байрамона руҳда ўтказиш ва чинакамига куч синашиш учун астойдил бел боғлаганлар. Ҳолбуки, улар «Ўрнак» деб номланган теннисчилар байрамига бир ой тайёргарлик кўришган. Шуниси қувончлики, вилоят ХТБ бошлиғи Ж. Халилов барча шаҳар, туманлардаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари негизида теннис корти бўлакларини очиш хусусида жойларга расмий кўрсатма берди. Ҳозир қурилиш жадал давом эттирилянти. Бу далил Андижонда теннисни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлигидан нишонадир.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Қутлов

ШОГИРДЛАР ЭЪЗОЗИДАГИ УСТОЗ



Жисмоний тарбия инсонни нафақат жисмонан, балки руҳан камолотга элтади. Узлуксиз қилинган машқ киши иродасини чиниқтириб, соғлом фикрлашга ундайди. Жисмонан бақувват, соғлом фикр эгасигина жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўша олади. Шулар ҳақида ўйлар эканман, бехосдан ёдимга ғиждувонлик меҳрибон мураббий, спорт устаси Сафо Болтаев тушди...

У дастлаб иш фаолиятини 1958 йилда Ғиждувон шаҳридаги 2-ўрта мактабда бошлаган. Билагида куч қайнаган ёш жисмоний тарбия ўқитувчиси ўша давр учун «шов-шув» бўладиган ташаббусни ёқлаб чиққан эди. Жисмоний тарбия дарсларини мукаммал ўқитиш учун замонавий спорт зали кераклигини англаган Сафо ака ўқувчиларнинг ота-оналари, маҳалла-кўй билан маслаҳатлашиб, ҳашар йўли билан спорт зали қуришга киришди. Бу хабарни республика марказий матбуотидан ўқиган мактабнинг собиқ ўқувчилари турли тарафдан ўз маблағлари билан ёрдамга келишди. Орадан кўп ўтмай ўша кезларда вилоятда саноқли бўлган спорт заллари ёнига яна бир ҳашаматли спорт иншооти қўшилди. Шундан сўнг мактабда жисмоний тарбия дарслари жонланиб, оммавий спорт турларига қизиқиш ортиб кетди.

Сафо Болтаев кўпчиликда норозилик уйғотган «қулоқсиз», ўйинқароқ ёки «тарбияси оғир» болаларни спорт тўгаракларига жалб қилди. Тўғри-да, ҳамма «ёмонсан» деб турган болага биров илтифот кўрсатиб, бошидан силаса, бола қанчалик ижобий томонга ўзгаради, ёш кўнгли таскин топади. Шу боис бўлдию, мактабнинг «зўр» болаларидаги «дайди куч» турли мусобақаларга йўналтирилди. Бу тадбир туфайли мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган тартиббузарликлар олди олинди.

Натижа чакки эмас. Сафо Болтаев шогирдлари 1979, 1983, 1986, 1990 йилларда «Қувноқ стартлар» мусобақаси бўйича республика чемпиони бўлишди.

Сафо ака оиласи маҳаллада мақтаса арзигулик оилалардан ҳисобланади. Беш қиз, бир ўғилни умр йўлдоши Каромат опа билан тарбиялаб вояга етказди. Аёллари ҳам 30 йил ўрта мактабда химия-биология фанларидан сабоқ бериб келди.

Кечагина мактабга шаҳд билан кириб келган Сафо ака бугун 60 ёшни қаршилади. Халқ таълими аълочиси, фидокор устоз ҳамиша шогирдлар эъзозида. Бугун у кишининг 60 ёшли тўйлари билан шогирдлар номидан яна бир карра табриклаймиз. Тилагимиз: белларидан ҳеч маҳал кураш белбоғи тушмасин.

Н. ОЧИЛОВ.

Ҳурматли Умар ЮСУПОВИЧ!

Сизнинг сиймонгизда бугун биз Сирдарё ва Жиззах вилоятларида маориф ишининг жонкуяри, фидойиси, моҳир ташкилотчиси, ёшларнинг меҳрибон устози ва мураббийсини кўрамиз ва фахрланамиз. Сиз 50-йиллардаёқ меҳнат фаолиятингизни мактабда ўқувчилар етакчиси сифатида бошлаб, олий маълумотли бўлгач, тил ва адабиётдан ўғил-қизларга сабоқ бердингиз. Педагогик маҳоратингиз ва касб устаси сифатида ташкилотчилигингиз туфайли Сирдарё вилоят халқ таълими бўлими мудири ва бошқа лавозимларда ишлаганингизда мактаб-маорифни ривожлантиришга, чўлқуварлар фарзандлари таълим-тарбиясига ғамхўрлик қилишда самарали фаолият кўрсатиб, учмас из қолдирдингиз. 90-йиллардан бошлаб Сиз бошчилик қилаётган А. Қодирий номли 9-мактаб тумандагина эмас, вилоятда ҳам намунали билим масканларидан бирига айланди.

Бугунги кунда Умар Юсупович Баширов номини ўқитувчилар сулоласи бошлиғи сифатида «Пахтакор» туманида эъзозлашади. Умр йўлдошингиз Ҳаҳича опа ва беш фарзандингиз ўқитувчиликдек шарафли касбни эъзозлаб келишаётир. Боғбон боғи билан, устоз шогирди билан фахрланади.

Бугун Сизни муборак 60 ёшингиз билан қутлар эканмиз, сизга узоқ умр ва мустаҳкам соғлиқ, ёшларга таълим-тарбия беришдек ва маорифни ривожлантиришдек эзгу ишларингизда куч-ғайрат, орзу-умидларингизга барака тилаймиз.

Пахтакор туман халқ таълими бўлими, туман қасаба уюшмалари қўмитаси.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Халқ таълими вазирлиги Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази ёзги мавсум давомида ўқувчилар, ота-оналар учун «Тошкент—Самарқанд—Бухоро» йўналиши бўйича 4 кунлик (1700 сўм), «Тошкент—Самарқанд», йўналиши бўйича 3 кунлик (1300 сўм), «Тошкент—Самарқанд—Шаҳрисабз» йўналиши бўйича 3 кунлик (1300 сўм), «Тошкент—Қўқон—Фарғона—Андижон—Наманган» йўналиши бўйича 4 кунлик (1700 сўм) саёҳатларни таклиф этади. Шунингдек «Тошкент—Ғазалкент—Қоранкўл» йўналишида 3 кунлик (400 сўм) фаол дам олиш уюштиради. Саёҳат нархига транспорт, меҳмонхона, овқатланиш ва экскурсия хизмати харажатлари киради. Пул тўлаш усули турлича (нақд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан). Корхона ва ташкилотлардан буюртмалар қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Навоий кўчаси, Шайхонтоҳур тор кўчаси 10 «а» уй. Мўлжал «Санъат саройи» рўпараси. тел. 44-34-57, 44-34-67.

Шарқ ва хорижий тилларни ўқувчилар томонидан жаҳон ўлчамлари даражасида ўзлаштирилишига эришаётган юқори сифатли ва мазмунли таълим учун ЮНЕСКО томонидан халқаро «Жаҳон бирлашган мактаблари ассоциацияси»га аъзо қилиб олинган 309-сон шарқ тиллари лицейи мазкур лицей қошида очилган умумтаълим мактабининг 8-синфига 1996-1997 ўқув йили учун иқтидорли ўқувчиларни қабул қилади

Лицейда дарслар ўзбек, инглиз ва шарқ тилларида олиб борилади.

Замонавий компьютер ва лингафонлар билан жиҳозланган лабораториялар мавжуд.

Лицейда замонамизнинг юксак талабларига жавоб берадиган:

а) Шарқ мамлакатлари филологияси.

б) жаҳон иқтисодиёти мутахассислиги бўлимлари бор.

Ўқувчиларнинг дунё стандартлари даражасида билим олишлари учун лицейда барча имкониятлар яратилган. Бу ерда ўқувчиларнинг илмий жамиятлари: «Кичик академия», «Аҳли-ал-илм», «Спорт тўгараклари» иш олиб боради.

Кириш учун зарур бўлган ҳужжатлар:

1. Ариза.
2. Маълумоти тўғрисида гувоҳнома (табель).
3. Тиббий маълумотнома (086-У)
4. 3х4 ҳажмидаги 4 дона фотосурат.
5. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.

Шунингдек, ўқувчилар Ўзбекистон давлат мадҳиясини, байроқ ва гербидаги белгиларни ёддан билишлари керак.

Ҳужжатлар 10 июлдан 31 июлгача қабул қилинади.

Суҳбат ва тестлар 15 августдан 25 августгача ўтказилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент, О. Бобожонов кўчаси 20-уй.
Транспорт: автобуслар — 10, 85, 14, 100, трамвай — 27, троллейбус — 27.
Шимолий Олмазор бекати.
Телефон: 48-50-97.

ҚУЛОҚ ҲАМ ИЗ ҚОЛДИРАДИ

Гонконг полициячилари шундай хулосага келишди. Уларнинг таъкидлашича, ўғриларнинг бармоқ излари билан бирга қулоқ излари ҳам тергов учун катта аҳамиятга эга.

Бундан ўғрилар ҳам хулоса чиқаришяпти, — дейди Британия полицияси ходими Пол Гест. Чунки улар эшитишнинг ҳам антиқа усулларини ўйлаб топишмоқда.

ана шунақа гаплар.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги Собир Раҳимов номидаги 16-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Равшанов Санжар Усмонович номига берилган АЙ 026598 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари, математика факультети жамоаси умумий математика кафедрасининг доценти Рауф Ёрқуловга акаси

Иброҳим ЁРҚУЛОВ

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0321. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6